2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 95 (617), 2022 йил 14 май, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ФАРҒОНАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРА БОШЛАДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ислоҳотларнинг жойлардаги ижроси, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12-13 май кунлари Фарғона вилоятида бўлди.**

Ташрифнинг иккинчи куни давлатимиз раҳбари иштирокида Фарғона шаҳрида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Фарғоналикларнинг тадбиркорлиги, миришкорлиги туфайли сезиларли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, охирги бир йилда 10 мингдан зиёд кичик корхона ташкил этилган. Экспорт ҳажми 44 фоизга ошиб, 801 миллион долларга етган.

Қувасой шаҳридаги “Кварц” корхонасида 70 миллион доллар инвестиция ҳисобидан йилига 22 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қўштепадаги “Глобал текстиль инфинити” корхонасида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 120 миллион евролик лойиҳа жадал амалга оширилмоқда. Корхона тўртинчи чоракда ишга тушиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилади.

— Биз тўғри йўлни танлаб олдик, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу жойларда ўз натижасини бераяпти. Фарғона вилояти 801 миллион долларлик экспорт қилган. Иш бошлаганимизда 50 миллион долларни мўлжаллар эдик. Ҳозир 1 миллиард доллар экспорт тўғрисида гаплашаяпмиз. Бу — вилоят маҳсулотлари дунё бозорига рақобатбардош бўлиб кириб бораяпти, дегани. Бунинг учун ақл, билим, шижоат керак. Жорий йил якуни бўйича маҳаллий бюджетда 1 триллион сўм қолиши кутилаяпти. Бунинг эвазига одамларга шароит, тадбиркорлик инфратузилмаси бўлади. Энди бу йўлни давом эттиришимиз керак.

Давлатимиз раҳбари вилоятда мутасаддилар иштирокида сайёр қабуллар ўтказилгани, уларда кўтарилган муаммоларнинг кўпи маҳаллий даражада эканига эътибор қаратди.

— Бу ерга келишдан олдин қабуллар ташкил қилдик. Аҳоли мурожаатларининг 45 фоизи жойида ҳал қилинган. Бу яхши ва биз бу амалиётни давом эттирамиз. Лекин савол туғилади: ҳоким, сектор раҳбарлари нима қилган? Бундай масъулиятсизлик, одамларни овора қилишга чек қўйиш керак, — деди Президент.

Аҳоли ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, ҳар бир маҳалланинг ихтисослашуви ривожлантирилиши, жорий йилда 147 минг фуқаро бандлигини таъминлаш учун 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши айтилди.

— Ҳамма соҳада маҳалла тизимининг ролини ошираяпмиз. Маҳалла халқнинг фикри дегани, халқнинг истаги дегани. Бунинг учун ҳуқуқий асос яратдик. Фарғона вилоятида 1062 та маҳалла бор. Ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача бирлашиб, тегишли ташкилотларни жалб этиб, одамларнинг оғирини енгил қилиши керак. Фарғона бу масала бўйича ҳам намуна бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда тадбиркорлар таянч эканини таъкидлади.

— Тадбиркорларга шароит яратсак, одамларга нафи тегади, ёшларни ўз ортидан эргаштиради. Тадбиркорни сийласак, у халқни сийлайди, — деди Президентимиз.

Вилоят тадбиркорларининг 183 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қўшимча 23 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари ва бошқа мутасаддилар ўз тизимини қуйи бўғинда ишлатиш бўйича халққа ҳисобот берди.

Вилоятда 2022-2023 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий қиймати 31 триллион сўм бўлган 1 минг 268 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши қайд этилди. Бунда кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик, электротехника, чарм, фармацевтика тармоқлари “драйвер” бўлади.

Қишлоқ хўжалигида 653 та лойиҳа амалга оширилиб, 23 мингта доимий иш ўрни яратилади. Олтиариқ, Фарғона ва Бағдод туманларида 1 минг 200 гектарда интенсив боғ ва узумзорлар барпо этилиб, ташаббускорларга 10 йилда бўлиб тўлаш шарти билан ажратиб берилади.

Шунингдек, уй-жой ва йўллар қуриш, электр энергияси ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш бўйича режалар маълум қилинди.

— Биз Фарғонадан катта натижалар кутамиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Бу эл тарихдан илм-фан, маданият, ҳунармандлик бўйича намуна бўлган. Фарғоналиклар меҳнатсевар, ишбилармон. Бу салоҳиятни, ички имкониятларимизни тўлиқ йўлга қўйиб, халқимизни рози қилиш керак.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳрида очилган касб-ҳунарга ўқитиш маркази фаолияти билан танишди.

Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги — KOICA билан шерикликда ташкил этилган ушбу мажмуада электроника, ахборот технологиялари, автомобилсозлик, тикувчилик, сартарошлик-косметология каби талаб юқори касблар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Марказга барча замонавий ускуна ва жиҳозлар Жанубий Кореядан олиб келинган. Ўқув-машғулотлар ҳам ушбу мамлакат дастур ва қўлланмалари асосида ўтилади. Бунинг учун 5 нафар кореялик мураббий жалб этилган. Айни пайтда 240 нафар киши сабоқ олмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўқув жараёнларини кўздан кечириб, ёшлар ва хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

— Ўқиш, изланишга ҳеч қачон кеч эмас. Келиб, касб ўрганаётганингиз эртанги кунингизга бефарқ эмаслигингиздан далолат. Бироз қийин бўлар. Лекин ўзингизни, фарзандларингиз келажагини ўйласангиз, шунга қунт қилинг. Қийинчилик ўтиб кетади, сиз бойлик яратаяпсиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари кореялик мураббийлар билан ҳам суҳбатлашиб, уларга миннатдорлик билдирди.

Ҳозиргача мамлакатимизда бу каби марказлар Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бор эди. Фарғонада ташкил этилган янги марказ эса водий вилоятлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Узоқдан келиб, касб ўрганувчилар учун ётоқхона ҳам барпо этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳрида “Янги Ўзбекистон” массивининг қурилиш майдонида бўлди.

300 гектарли ушбу массивда 298 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Шундан 80 таси бу йил тадбиркорлар томонидан барпо этилади.

Шунингдек, иккита умумтаълим мактаби, учта мактабгача таълим ташкилоти, тиббиёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, спорт мажмуаси ва масжид қурилади. 50 гектарда ташкил этиладиган кичик саноат зонаси аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Массив ўртасидаги 70 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи” ва сунъий кўл ташкил этилади. Ҳозирданоқ 10 минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари ўтқазилган. Жами 21 минг туп экилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Фарғона туманининг Янги аср, Ёзёвон туманининг Юқори сойбўйи маҳаллаларида ҳам “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилади.

Жорий йилда Фарғона вилоятида жами 9 минг 429 квартирали 244 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбари ҳудудга коммуникация тармоқлари тортиш, уйларга замонавий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

## МУНОСАБАТ

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

**Мамлакатимиз тараққиётнинг янги даврига қадам қўйган айни пайтда инсон капиталига сармоя киритиш, таълимни ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бирига айланди. “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” ғояси асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан янгилашга катта эътибор қаратилмоқда.**




Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори узоқ йиллар давомида умумтаълим муассасаларида юзага келган муаммоларнинг тизимли ечимига янгича ёндашувни қўллашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Шу пайтгача мактаб таълимини қамраб олувчи ва ўқитиш мазмунини яққол ифодалайдиган яхлит дастур ишлаб чиқилмаганди.

Давоми 2-бетда

## ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ — ОЛДИНГА УНДОВЧИ КУЧ

**Кейинги пайтда Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан 42 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилган, давлат унитар корхоналари сони 22 фоизга қисқарган. Бугунги кунда 75 та ташкилотда монополияга қарши комплаенс тизими жорий этилган, давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимлик органларининг 1,5 мингта рақобатга зид қарорлари бекор қилинган...**

Бу каби рақамлар, ўз навбатида, сўнгги пайтда иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлардан далолат беради. Шу ўринда Президентимизнинг 2020 йил 28 май куни ўтказилган йиғилишдаги ушбу сўзлари ёдга келади:

— Рақобат бўлмаса, сифат бўлмайди, нарх тушмайди. Замон ўзгаряпти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмаяпти. Қатъий чоралар кўриш вақти-соати келди. Иқтисодиётда бу ҳаёт-мамотимиз...

Давоми 3-бетда

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ: ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ ХАЛҚЛАРИ ЯҚИНЛАШИШИГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

**Куни кеча Тошкентда Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида “Халқ дипломатияси — тараққиёт сари ўзаро ҳамжиҳатлик” мавзусидаги ШҲТ Халқ дипломатияси иккинчи форуми бўлиб ўтди. Таъбир жоиз бўлса, мазкур тадбир Ўзбекистоннинг ШҲТ маконида нуфузи тобора юксалиб бораётганининг яна бир намойиши бўлди, дейиш мумкин.**

Гап шундаки, инсоният бугунги кунда осойишталикка асос бўлувчи ҳар қандай дипломатиянинг қадри нақадар муҳимлигини тобора чуқурроқ англаб етмоқда. Айниқса, чинакам самимиятга асосланган халқ дипломатияси эҳтиёж ҳар қачонгидан кўра, долзарб аҳамият касб этаётир.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ



**Бахтиёр САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири**

Бошланиши 1-бетда

Мазкур фармонга биноан, мактаб таълимига илғор халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган миллий ўқув дастурини жорий этиш, замонавий дарсликларни амалиётга киритиш, жамиятда ўқитувчининг нуфузини ошириш, уларга қулай ижтимоий шароит яратиш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш, касбий ривожланишга талабчанликни ошириш, алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар учун инклюзив таълим жараёнини жадаллаштириш, замонавий моделлар бўйича мактаблар қуриш ва реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш каби қатор йўналишларни ўз ичига олувчи миллий дастур тасдиқланди. Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида кўрилаётган бу каби чора-тадбирлардан ягона мақсад фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук, интеллектуал салоҳиятли, эртанги кунимиз суянчи ва таянчи бўла оладиган инсонлар сифатида камол топтиришдир.

Шунингдек, мактаб директорлиги учун номзодларни сертификациядан ўтказиш тартиби жорий қилинади. Мактаб директори лавозимига номзодлар фақат менежерлик сертификатига эга шахслар орасидан танлаб олинади.

Президентимизнинг мазкур қарорига кўра, ҳар ўқув йили якунида рейтинг доирасида умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни яхшилаш мезонлари белгилаб берилди. Бунда мактаб билан бирга ота-оналарнинг ҳам ролини ошириш, бола тарбиясига барча бирдек масъул экани алоҳида кўрсатиб ўтилди. Шундай экан, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни қизиқиши асосида замонавий касбларга йўналтириш тизимини йўлга қўйишда ота-она ва мактаб ҳамкорлиги янада мустаҳкамланади.

Энди мактаблардаги маънавий-маърифий ишлар ҳолатини баҳолаш ва рейтингни юритиш учун махсус комиссиялар тузилади ҳамда уларнинг хулосасига кўра, умумий ўрта таълим муассасалари рейтинг кўрсаткичлари асосида “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифаларга ажратилади.

Жорий йил 1 сентябрдан юртимизнинг барча туман (шаҳар)лари кесимида “Намунали мактаб” рейтинги шакллантирилади ва эълон қилиб борилади. Рейтинг кўрсаткичлари асосида “қизил” тоифага киритилган умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилади. “Қизил” тоифага кирган мактабларни аста-секинлик билан “сариқ” ва “яшил” тоифага ўтказиш учун таниқли санъаткорлар, тадбиркорлар ёки касб-ҳунари билан жамиятда обрў қозонган инсонлар таълим масканларига янада кўпроқ жалб этилади. Бундай машҳур инсонлар ўқувчилар билан суҳбатлашиб, ҳаётий тажрибалари билан болаларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришни кўзлаганмиз.

Эътиборли жиҳати шундаки, авваллари компьютер синфларини бюджет маблағларидан харид қилиш имконияти йўқ эди. Энди шундай имконият мавжуд. Мактабларимиздаги беш ярим мингга яқин компьютер синфини янгилаш орқали ўқувчиларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган IT соҳа бўйича мутахассислар этиб тайёрлашда муайян натижага эришамиз. 2023-2024 йилларда мактаблардаги маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш учун 400 миллиард сўм ажратилади. Шунингдек, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб 400 нафаргача ўқувчиси бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида интернет тезлиги камида 40 Мбит/с, ўқувчилар сони 400 нафардан юқори бўлганларда камида 100 Мбит/с бўлиши таъминланади.

Шу пайтга қадар аксарият ўқувчилар меҳнат бозоридаги имкониятлар ҳақида мактабни тамомлагандан сўнг маълумотга эга бўлар эди. Энди ўғил-қизлар касб танлашда янада онгли ёндашади. Қарорда ўқувчилар мактабда таълим олиш жараёнидаёқ меҳнат бозоридаги касблар ҳақида барча маълумотларни олиши зарурлиги асосий вазифалардан бири деб кўрсатилган. Биз бу вазифани масъулият билан бажарамиз. Керак бўлса, мактаб ўқувчиларининг мана шу касб эгалари билан мулоқотга киришишини тўлиқ таъминлаймиз.

Ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган асосий масалалардан яна бири — бошланғич синф дарсликларида ҳам болаларга касблар ҳақида маълумот бериб бориш. 6, 7, 8-синф ўқувчилари учун касб эгалари билан учрашувлар, зарур ҳолларда ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат ташкил этилади. Юқори синфларда эса ўғил-қизларнинг психологик имконияти ва қизиқишидан келиб чиқиб, уларни касбга йўналтиришга эътибор қаратилади.

Мамлакатимиз таълим тизимида илк бор ўқувчиларнинг фанларни танлашига рухсат берилмоқда. Миллий ўқув дастури асосида мактабларда дарсликлар, машқ дафтарлари ҳамда педагоглар учун ўқув қўлланмалари яратилади. Муаллимнинг қўлида тайёр ўқитувчи китоби, интернет, методик қўлланма бўлади. Сифатли, ёрқин рангларидаги дарсликлар ўқувчилар учун ҳам худди шу тартибда тайёрланяпти. Бу дарсликларда таълим билан бирга бахт ва муваффақиятга эришиш сирлари ҳам ўргатилади.

> **ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҚАРОРИГА КЎРА, МАКТАБЛАРДА ХАЛҚАРО ТАН ОЛИНГАН СЕРТИФИКАТГА ЭГА ПЕДАГОГЛАРГА 50 ФОИЗ, МИЛЛИЙ ТЕСТ ТИЗИМИДА ОЛИНГАН СЕРТИФИКАТГА ЭГА ЎҚИТУВЧИЛАРГА 20 ФОИЗ УСТАМА ТЎЛАНАДИ. БУ ҲАМ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎЗ УСТИДА ИШЛАШИ, МАЛАКАСИНИ МУНТАЗАМ ОШИРИБ БОРИШИГА РАҒБАТ БЕРАДИ.**



Миллий дастур ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, халқ таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини жорий этиш мактабларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда янги ўқувчи ўринларини яратишда катта аҳамият касб этади.

Халқ таълими вазирлиги Президентимиз имзолаган фармон ва қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун келгусида амалга ошириладиган қатор ишларни режага киритди. Жумладан, беш йил ичида мактаб таълимига янги ва замонавий дарсликлар киритилади. Ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган миллий ўқув дастури тўлақонли жорий этилиб, маҳаллий ва хорижлик муаллифлар яратган замонавий дарсликлардан фойдаланилади.

Мамлакатимизда ўқитувчилар нуфузини ошириш, улар учун қулай ижтимоий шароит яратиш ва меҳнатини муносиб рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунга жавобан ўқитувчилар ҳам таълим ва тарбия беришдаги масъулиятини ошириб, касбий ривожланиш бўйича ўз устида доимий ишлашига имконият яратилади. Шу билан бирга, умумий ўрта таълим муассасалари учун кадрлар миллий захираси шакллантирилиб, илғор мактаб директори ва намунали ўқитувчи мезонлари ишлаб чиқилади. Улар асосида раҳбар ва педагог кадрлар фаолиятини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилади.

Президентимиз қарорига кўра, мактабларда халқаро тан олинган сертификатга эга педагогларга 50 фоиз, миллий тест тизимида олинган сертификатга эга ўқитувчиларга 20 фоиз устама тўланади. Бу ҳам ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, малакасини мунтазам ошириб боришига рағбат беради.

Узоқ йиллар меҳнати муносиб рағбатлантирилмаган кутубхоначиларга ҳам давлатимиз раҳбари фармонида алоҳида эътибор қаратилди. Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари ва “Болалар кутубхоналари” ходимларининг лавозим маоши миқдори 20 фоиз, яъни 1,2 баробар оширилиши ҳам фарзандларимизнинг маънавий камолотига хизмат қилади.

Соҳада жорий қилинаётган янгиликлардан ўқитувчи-педагогларни бевосита хабардор қилиб бориш, шунингдек, ўқувчиларнинг билими ва тафаккурини ошириш, маънавий-интеллектуал салоҳияти, дунёқарашини юксалтириш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар мактабларни фақат халқ таълими йўналишидаги босма нашрлар билан таъминлайди.

Яна бир эътиборли жиҳати, илк бор мактабларда Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда ўқув жараёнига халқаро тан олинган таълим дастурларини жорий қилиш, шу дарсликларни танлашга (она тили, адабиёт, тарих, тарбия ва ҳуқуқ фанларидан ташқари) рухсат берилмоқда. Бу, албатта, таълим сифатини оширишга жуда катта имконият беради, десак муболаға бўлмайди.

> **ЭНДИ МАКТАБЛАРДАГИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ВА РЕЙТИНГНИ ЮРИТИШ УЧУН МАХСУС КОМИССИЯЛАР ТУЗИЛАДИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ХУЛОСАСИГА КЎРА, УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ АСОСИДА “ЯШИЛ”, “САРИҚ” ВА “ҚИЗИЛ” ТОИФАЛАРГА АЖРАТИЛАДИ.**

# МДҲ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

**Ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси 13 май куни Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.**

Қозоғистон Республикаси раислигида ўтказилган тадбирда Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Қирғиз Республикаси, Россия, Тожикистон ва Туркманистон ташқи ишлар вазирликлари, шунингдек, МДҲ Ижроия қўмитаси делегациялари ҳам қатнашди.

Анжуман иштирокчилари халқаро кун тартиби ва Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари, шунингдек, МДҲ давлат ва ҳукумат раҳбарлари Кенгашларига киритиладиган кўп томонлама ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

МДҲ иштирокчи давлатлари ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги шерикликни фаоллаштириш бўйича Ҳаракатлар дастури ва ташқи ишлар вазирликлари ўзаро маслаҳатлашув режасининг 2021 йилдаги ижроси натижалари тасдиқланди.

Қабул қилинган қарорлар орасида Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга бир ҳужжат — Самарқанддаги “Ипак йўли” халқаро туризм университетига туризм соҳасида МДҲнинг таянч ташкилоти мақомини бериш тўғрисидаги қарор ҳам бор.

Йиғилиш давомида Ўзбекистон делегацияси томонидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, жаҳонда рўй бераётган воқеалар ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар жадаллашиши Ҳамдўстлик фаолиятини замонавий воқеликка доимий равишда мослаштириб бориш заруратини юзага чиқаргани таъкидланди. Ўзбекистоннинг 2020 йил тузилмага раислиги даврида қабул қилинган Ҳамдўстликни янада ривожлантириш Концепцияси ва МДҲ иқтисодий тараққиёти Стратегиясини амалда бажариш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатни изчил давом эттириш таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ҳамдўстлик саммитларида илгари сурилган МДҲ доирасидаги ўзаро ҳамкорлик салоҳиятини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий жараённи либераллаштириш, таълим, фан, техника, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларидаги алоқани кенгайтириш, фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, шунингдек, анъанавий ва янги чақириқ, таҳдидларга қарши туришга қаратилган ташаббусларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳамкорлар МДҲ фаолияти доирасидаги аниқ қадамларни кенг муҳокама қилиш мақсадида жорий йил Ўзбекистонда ўтказиладиган саноат кооперацияси ва минтақалараро ҳамкорлик, ижодий ва илмий зиёлилар форумлари ҳамда Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференцияга таклиф этилди.

Йиғилиш якунида МДҲ Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг навбатдаги йиғилишини 2022 йил 13 октябрда Нур-Султон шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎзА мухбири**

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ: ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ ХАЛҚЛАРИ ЯҚИНЛАШИШИГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Бошланиши 1-бетда



**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси**

Мутахассислар глобал зиддиятларга бой замонавий дунёда халқ дипломатияси ўзига хос очиқлик ва холислик билан муҳим ўзгаришлар қила олишини ва бу жараёнда манфаатдор томонларнинг биргаликда ҳаракат қилиш истаги устувор бўлишини таъкидлайди.

Айниқса, бутун дунё халқлари ҳаётига реал хавф солиб, бугунга қадар янги-янги штаммлари пайдо бўлаётган COVID-19 пандемияси XXI асрда ҳеч бир миллат улкан фожиаларни якка ҳолда енгиб ўтолмаслигини кўрсатди. Шундай экан, ҳамиша халқаро ҳамкорликни тарғиб қилиш ҳамда халқ дипломатияси ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш халқлар ўртасида ўзаро тушунишни таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Дунё тараққиётининг бугунги босқичида мамлакат мавқеини юксалтирадиган, унинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатларини янада ривожлантирадиган институт сифатида пайдо бўлган халқ дипломатиясининг ўрни ва роли тобора юксалиб бормоқда. Бугунги кунда халқ дипломатияси давлатлараро муносабатларни яхшилабгина қолмай миллатлараро, маданиятлараро, соҳалар ва тармоқлараро, маънавий ва маърифий алоқаларнинг жадал ривожланишига, қисқа қилиб айтганда, замон талаблари ва эҳтиёжларига айланиб улгурган глобал интеграцияга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Тарихдан маълумки, халқ дипломатияси ўзаро уйғун бўлган миллий манфаатлар асосида минтақавий ҳамда умумбашарий муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, аъзо, кузатувчи ва мулоқот бўйича ҳамкор саналган 18 давлатни жамлаган, сайёрамиздаги қуруқликнинг тўртдан бир қисмини эгаллаган ва дунё аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган ШҲТ глобал муносабатлар қарор топишида муҳим роль ўйнайди.

2021 йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлисида Президентимиз ШҲТ доирасида “халқ дипломатияси”да эришилган натижаларни ижобий баҳолаб, қўшма маданий, фан-таълим, спорт ва бошқа тадбирларни фаоллаштириш мақсадида “ШҲТнинг эзгу ният элчиси” институтини таъсис этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтганди. Бу ҳам халқ дипломатиясига эҳтиёж кундан-кунга ортиб бораётганининг яна бир далилидир.

Яна бир эътиборга молик жиҳат. ШҲТ мамлакатларини нафақат бугунги серқирра ва муштарак манфаатлар, балки чуқур тарихий илдизлар, узоқ ўтмишга дохил маданий алоқалар, айниқса, асрлар давомида савдо-сотиқ асносидаги маънавий қадриятлар алмашинувига хизмат қилган Буюк Ипак йўли боғлаб туради.

Замонавий институт ҳисобланган халқ дипломатияси мамлакат учун миллий манфаатларни илгари суриш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам катта ижобий таъсир кўрсатяпти. Хусусан, мамлакатлар ва халқларни яқинлаштиришга, улар муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган жамоат бирлашмаларининг фаолияти, халқаро ва миллий ташкилотларнинг турли ташаббуслари айнан миллий манфаатларни ҳисобга олиш асосидаги интеграциявий жараёнларга хизмат қилмоқда.

ШҲТ мамлакатларининг маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириши, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари ўртасида дўстона ҳамкорлик муҳитини қарор топтириши ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш имконини беради.

Бу ҳақида гап кетганда, ёшларнинг сўнгги йилларда ҳар қандай мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий-гуманитар ҳаётидаги ўрни юксалиши билан бир қаторда, уларнинг муаммоларни ҳал қилиш борасидаги қатъий позицияси шаклланиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Мисол учун, бугунги кун ёшларининг илмий салоҳияти юқорилиги, дунёқараши кенглиги, замонавий халқаро сиёсат ва иқтисоддан, илм-фан тараққиёти ва тенденцияларидан, шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот технологияларидан хабардорлиги уларнинг “халқаро мулоқот” доирасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритишига сабаб бўлмоқда.

Ёшлар нафақат ижтимоий, балки сиёсатнинг ҳам муҳим субъекти сифатида бугунги кун дунё ҳаётини ўзгартиришга, тараққиёт динамикасини бутунлай янгича босқичга кўтаришга қодир куч сифатида шаклланганини ҳаммамизга маълум. Уларнинг ҳар қандай масалага нисбатан креатив ёндашуви, инновацион ечимларни тақдим қила олиш салоҳияти ҳалқаро муаммоларга ҳам ечим сифатида кўринаётганини алоҳида эътироф этмоқ лозим. Бундай салоҳият ва имкониятлардан минтақа барқарорлиги, фаровонлиги йўлида фойдаланиш, экологик муаммолардан тортиб, турли сиёсий иқтисодий масалаларни ҳал қилишда уларни кенг жалб қилишга стратегик ва истиқболли йўналиш сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Айниқса, кейинги йилларда миқёси тобора ортаётган муаммолар, яъни одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва фундаментализм билан боғлиқ минтақавий ва глобал масалаларни ҳал этишда ёшларнинг сиёсий иштирокини кенгайтириш, уларнинг халқаро ташаббускорлигини ошириш, ўзаро тажриба ва фикр алмашишларига эътибор қаратиш, керак бўлса, бундай форматлар учун зарурий дипломатик ресурсларни сафарбар қилиш кутилган натижани бериши шубҳасиз.

Жумладан, 2021 йилнинг февралида “Терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда ёшларнинг ўрни” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция якунлари ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Халқ дипломатияси имкониятларидан фойдаланишда фақат ёшлар қамрови билангина чекланиб қолмасдан фаол маданий тадбирлар, туризм кунлари, спорт мусобақалари ва турли фестиваллар фонида ҳам давлатлараро кўптомонлама муносабатларни жадал ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Бу борада Ўзбекистонда ташкил қилинаётган Шарқ тароналари, Мақом санъати, Бахшичилик, Ҳунармандчилик, Зираворлар ва каштачилик, “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кино, театр фестиваллари жараёнида кечадиган самимий мулоқотлар халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ишонч ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Шу маънода куни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги раислиги доирасидаги ШҲТ Халқ дипломатияси форуми ҳам ШҲТ мамлакатлари ва уларнинг халқлари яқинлашишига, яқин қўшничилик руҳи мустаҳкамланишига хизмат қилади.



## ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Бошланиши 1-бетда

Шундай экан, ўтган вақт мобайнида масъул идоралар ўз зиммасидаги ишларни ривожлантириш, монополияга қарши курашиш юзасидан қатъий чоралар кўриш, мутлақо янги тизим яратиш, умуман, барча соҳада шиддат билан ўзгараётган даврда рақобатга тайёр бўлиш юзасидан юклатилган вазифаларни қандай бажаряпти? Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, давлат харид нархларининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар амалда қандай натижа беряпти?

Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Шоҳруҳ ШОРАҲМЕТОВ билан суҳбатимизнинг асосий мазмунини шу каби саволларга жавоблар белгилади.



қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чора-тадбирлар ва таомиллар тизими ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бу тамойилни жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом ва “йўл харитаси” тасдиқланди. Унга мувофиқ, монопол корхоналарнинг камида 80 фоизида ушбу тизимни жорий қилиш назарда тутилган. Бугунги кунда 79 та, шундан 10 та давлат иштирокидаги корхонада, 33 та монопол, 14 та маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ва 22 та давлат бошқаруви идорасида монополияга қарши комплаенс тизими жорий этилди.

Бу йўналишларда олиб борилган ишлар қатор соҳаларда рақобат муҳити юзага келаётганини кўрсатмоқда. 250 дан ортиқ товар ва молия бозорлари ҳамда Тошкент, Жиззах, Андижон, Наманган, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида рақобат муҳити ҳолати таҳлил қилинди. Натижада 17 та товар ва хизматлар бозорига киришни эркинлаштириш ҳисобига етарли рақобат шаклланди ва монополия ҳолатидан чиқарилди, монопол ташкилотлар сони 20 фоизга (2017 йилга нисбатан) камайди.

Бир қатор товар бозорларида тадбиркорларга кириш имконияти енгиллаштирилди. Жумладан, металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорида индукцион печлардан фойдаланишга қўйилган чекловлар бекор қилинди. Бу эса бевосита 50 та тадбиркорга ишлаб чиқаришни тиклаш имконини берди.

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ — ОЛДИНГА УНДОВЧИ КУЧ

**— “Рақобат” сўзининг талқини кўп қиррали. У олдинга интилтирувчи куч, бозордаги иш ва хизматлар сифатига ҳамда нархига бевосита таъсир кўрсатувчи тизим ҳисобланиб, рақобатга зид хатти-ҳаракатлар нафақат мамлакат иқтисодиётига зарар етказади, балки истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳам поймол бўлишига олиб келади.**

**Демак, рақобат муҳитини таъминлаш қонун устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шундан келиб чиқилганда, мамлакатимизда монополияга қарши курашиш тизими фаолиятининг ҳуқуқий асослари бугунги кун талабларига нечоғлиқ жавоб беради?**

— Ҳақиқатан, иқтисодиётни ривожлантиришда самарали рақобат муҳитини яратиш — давлатнинг энг устувор вазифаларидан бири. Бу мақсадга эришиш учун товар ва молия бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш, иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, имтиёз ва преференциялар бериш тизими самарадорлигини ошириш, нархни ортиқча тартибга солишдан воз кечишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни, улар эса, ўз навбатида, пухта ишланган ҳуқуқий асосларни талаб этади.

Президентимизнинг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига биноан, Монополияга қарши курашиш қўмитасини алоҳида давлат ташкилоти сифатида ажратиш мақсадга мувофиқ, деб топилди ҳамда 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонга мувофиқ, қўмита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Президентга ҳисобдор қилиб белгиланди.

Қўмита томонидан янги тизимнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қабул қилинган ҳужжатлар рақобат муҳитини ривожлантиришга хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Кейинги пайтда 42 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги қарори билан 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси тасдиқланди ва унинг асосий йўналишлари этиб давлат иштирокидаги корхоналар, шу жумладан, ДУКларнинг асослантирмасдан ташкил этилишига йўл қўймаслик ҳамда рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини чеклаш, “сот ёки тушунтир” тамойилини жорий этиш белгиланди.

Бу ва бошқа ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш доирасида сўнгги икки йилда ДУКлар сони 22 фоизга, давлат улуши мавжуд МЧЖлар сони 23 фоизга, жами давлат иштирокидаги корхоналар эса 35 фоизга қисқарди.

**— Президентимиз 2022 йил 8 апрель куни “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги фармонни имзолади. Ҳужжат билан қўмита зиммасига яна қандай янги вазифалар юклатилди?**

— Фармонда иқтисодиётда товар ва молия бозорларидаги рақобатни янада ривожлантириш ҳамда монополияга қарши курашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, молиявий жарималарнинг аниқ миқдорлари ва уларни қўллаш тартибини назарда тутувчи янги таҳрирдаги “Рақобат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бунда, рақобатга қарши ҳаракатларнинг бошқа турлари учун жавобгарлик ҳам назарда тутиляпти. Яъни 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан хомашё, товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши ва реализация қилинишига ноқонуний тўсиқлар қўйгани, лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган давлат корхоналари ва юридик шахслар томонидан рақобатни чеклайдиган қарорлар қабул қилгани, монополияга қарши орган талабига кўра, зарур ҳужжат ва ахборотлар, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этгани учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилади.

Бундан ташқари, 13 та фаолият тури бўйича хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Иқтисодиётда рақобат муҳити ҳолатини баҳолаш тизимини татбиқ этиш мақсадида Рақобат ривожланиши индекси жорий этилади. Қўмита ҳузурида Рақобат сиёсати ва табиий монополиялар муаммолари бўйича тадқиқотлар маркази ташкил этилади.

**— Кейинги пайтда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни “тартибга солиш гильотинаси” тамойилини қўллашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу амалда қандай самара беряпти?**

— Аввало, рақамларга эътибор қаратмоқчиман. Ўтган йил бошида давлат иштирокидаги корхоналар сони икки ярим мингдан ортиқни (2541 та) ташкил этган, уларнинг қарийб ярми (1210 та) унитар корхона шаклида фаолият юритган. Бу мамлакатимиз иқтисодиётида давлатнинг иштироки юқорилигича қолаётганини ва 55 фоизга тенглигини кўрсатади. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич Жанубий Кореяда — 22 фоизни, Германияда — 18, АҚШда — 11 ва Японияда — 5 фоизни ташкил этади.

Айни пайтда мамлакатимизда ҳам бу борада қатъий режа ишлаб чиқилган. Давлат иштирокидаги корхоналар сонини 2025 йилга бориб 75 фоизга қисқартириш мўлжалланган. Шу боис, бу мақсадга эришишда замонавий тизимларни қўллашга катта эътибор қаратиляпти.

Монополияга қарши комплаенс — фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги

Ҳукумат қарорида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида уларнинг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш мажбурий ўтказилиши белгилаб қўйилди. Қўмита томонидан 820 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг рақобатга таъсири баҳоланган, шундан қарийб 70 фоизида рақобатга зид нормалар мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари, давлат ва маҳаллий ҳокимлик органларининг 1,5 мингта рақобатга зид қарори бекор қилинди.

2021 йил 1 январдан буён мингга яқин белгиланган бюрократик жараёнлар қисқартирилди. Хусусан, 68 та лицензияланадиган фаолият ва 34 та рухсатнома бекор қилинди ҳамда тартибга солишнинг муқобил усулига ўтказилди. Натижада тадбиркорлик субъектларининг йилига қарийб 125 миллиард сўм маблағи иқтисод қилиниб, ўз ихтиёрида қоладиган бўлди.

Давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш мезонларини (табиий монополия, стратегик манфаат соҳасида фаолият юритадиган ва бошқалар) белгилаш, ҳар йили улардан келиб чиқиб, “сот ёки тушунтир” тамойили, яъни агар маълум бир корхонани давлатда ушлаб туришнинг зарурати асослаб берилмаса, уни сотишга мажбур бўладиган янги амалиёт жорий этиляпти.

**— Маълумки, бундан икки йил олдин қабул қилинган 2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рақобатга зид ҳаракатларни бартараф этиш вазифалари белгилаб берилган эди. Унинг амалий натижалари қайси соҳаларда кўзга ташланмоқда?**

— Мазкур стратегияда кўрилаётган чоралар туфайли маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кўплаб озиқ-овқат (алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва сут, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда айрим ноозиқ-овқат товарлар (мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари, тўқимачилик ва бошқалар) бозорларида рақобатнинг ривожланиши таъминланиб, қурилиш материаллари, кабель ва сим маҳсулотлари, пул ўтказмалари хизматлари соҳасида йирик компаниялар монополияси тугатилган.

Темир йўл вокзаллари биноларида хусусий сектор вакилларига хизмат кўрсатиш учун шароит яратилди. Олдинги даврда тадбиркорларга хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил қилиш тақиқланган эди. Авиаташиш бозорида “очиқ осмон” режими жорий қилиниши парвозларга слот ажратилишидаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш имконини берди.

Монополиялар ва бозор иштирокчиларининг рақобатга зид ҳаракатларини бартараф этишга қаратилган ишлар доирасида улар томонидан 5,8 мингдан ортиқ суиистеъмолга йўл қўйилгани аниқланиб, 140 мингдан зиёд тадбиркор ва истеъмолчининг 260 миллиард сўми қайтарилди ёки кейинги уч йилда ишбилармонларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш 4 бараварга ошди. Масалан, ички бозорда бир қатор техник чигит етказиб берувчиларнинг пахта ёғи нархларини сунъий равишда кўтариш мақсадидаги келишувлари аниқланди ва бартараф этилди. Натижада чигит нархини 31 фоизга пасайтирилишига эришилди.



Шу ўринда қўмита томонидан 9,8 миллиондан ортиқ истеъмолчининг 572 миллиард сўмлик манфаатлари табиий монополиялар томонидан бузилиши ҳолатларининг олди олинганини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз.

**— Давлат харидлари доирасидаги савдолар, шунингдек, товар-хомашё биржалари савдоларида шаффофлик ва тенг рақобат шароитлари қандай таъминланяпти?**

— Давлат хариди товар, иш, хизматларга давлат буюртмачилари томонидан пул тўлаш асосида амалга оширилади. Кейинги пайтда унинг доирасида ўтказилган тендер (танлов) савдоларида 9 мингта рақобатни чекловчи омиллар олди олинди ва 2,5 триллион сўм бюджет ҳамда корпоратив маблағларини иқтисод қилишга имконият яратилди. 10 та соҳа ва тармоқда, жумладан, халқ таълими, мактабгача таълим, автомобиль йўллари, кимё саноати, газ таъминоти, спорт, соғлиқни сақлаш, миллий гвардия, маданият, инновацион ривожланиш соҳаларида давлат харидлари самарадорлиги ўрганилди. Ташкил этилган xarid.uz веб-порталида, ғолиб ташкилотнинг таъсисчиси ва бенифициарлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлили йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида аффилланган шахсларни аниқлашга хизмат қилувчи demoreport.uzex.uz электрон тизими жорий қилинди.

Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили қабул қилинган товар-хомашё биржалари савдоларини тартибга солишни такомиллаштириш ва уни ривожлантиришга қаратилган қарорларига биноан, юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сони кенгайтирилди. Биржа савдоларида форвард ва фьючерс шартномалари жорий этилди, Республика товар-хомашё биржасида Электрон логистика савдо портали ишга туширилди.

Сўнгги 2 йилда биржалар орқали сотилиши таъминланган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сони 27 тадан 45 тага етказилди (ёки жами савдоларининг 87 фоизи), натижада тадбиркорларга қўшимча 140,7 триллион сўмлик маҳсулотларни сотиб олиш имконияти яратилди.

Минерал ўғитларнинг тўлиқ биржа савдоларига қўйилиши туфайли “Деҳқонобод калий заводи” АЖнинг соф фойдаси 2 баробар, “Навоийазот” АЖда 28, “Фарғонаазот” АЖда 20 баробарга ошди.

Манипуляцияларни аниқлаш воситаларининг кучайтирилиши, лицензия талабларига риоя этилиши назоратга олиниши биржа иштирокчилари томонидан 150 га яқин қонунга зид ҳаракатларини бартараф этиш ва 3,8 миллиард сўмлик ортиқча олинган маблағлар тадбиркорларга қайтарилишига замин яратди.

Бензин, шакар, пахта чигити, калцийланган сода, цемент нархларининг ошиши ҳолатларини бартараф қилиш ва уларни барқарорлаштиришга эришилди. Масалан, биржа савдолари орқали бензин сотиб олувчи кунлик харидорлар сони 9 баробарга ошди (40 тадан 368 тага) ва етарлича рақобат муҳити шаклланди. Худди шундай ҳолат суюлтирилган газ бозорида ҳам кузатиляпти. Харидорлар сони шу йилнинг апрель ойида март ойига нисбатан икки баробарга ошиши эвазига маҳсулот нархи ўртача 11 фоизга арзонлашди.

**— Соҳа ва тармоқларда рақобат муҳити юзага келса, иқтисодиёт ҳам ташқи рақобатга тайёр бўлади. Бунда энг заиф жойлардан бири етук мутахассисларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўлиб келган. Бу борадаги муаммоларни ҳал этишда “муз” жойидан кўчдими?**

— Кўчяпти дейишга асосларимиз бор. Чунки қўмитанинг бевосита ташаббуси билан Андижон, Қорақалпоқ, Термиз давлат университетлари, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига 2020/2021 ўқув йилида “Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш” магистратура йўналишига қабул квоталари ажратилди. Тошкент шаҳридаги Инха университетида эса “Бизнес менежмент” магистратура йўналишида ўқув жараёнига “Ривожланаётган бозорларда стратегик бошқариш” (Strategic Management in Developing Markets) ва “Тадбиркорлик сиёсати” (Entrepreneurship Policy) фанлари жорий этилди.

Рақобат сиёсати соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида қўмита ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўртасида англашинув меморандуми имзоланди. Шунингдек, тизим ходимларининг доимий равишда малакасини ошириб бориш мақсадида Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда мунтазам равишда ўқув семинарлар ташкил этиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари 379 нафарни ташкил этади. Шундан ҳар йили кадрлар алмашиши ҳисобига ходимларни қайта тайёрлаш (ўқитиш)ни қамраб олиш 15 фоиз атрофида бўляпти. Бу эса кадрлар малакасини ошириш етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Айтиб ўтганимиздек, қўмита ҳузурида Рақобат сиёсати ва табиий монополиялар муаммолари бўйича тадқиқотлар маркази иш бошлайди. Марказнинг вазифаларидан бири қўмита марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ходимлари малакасини ошириш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва ўқув курсларни ташкил этиш ҳисобланади. Ушбу курсларда иқтисодий ислоҳотлар натижалари, монополияларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бўйича маҳаллий ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, малака ошириш ташкил этилади.

Бундан ташқари, қўшимча равишда иқтисодиёт тармоқларида фаолият олиб бораётган бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш бўйича “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун асосида давлат харидлари, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари, монополияга қарши комплаенс тизими, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар ва таомиллар масалалари бўйича ўқув курслари ташкил этилади ва ходимларнинг соҳага оид билим ва кўникмалари мустаҳкамлаб борилади.

**— Айни кунда ва яқин истиқболда иқтисодиётимизда рақобат муҳитини яратиш ҳамда монополияга қарши курашишда, энг аввало, қандай муаммоларни ҳал этиш зарур бўлади, деб ўйлайсиз?**

— Таҳлилларга таянадиган бўлсак, охирги икки йилда 20 та янги монополлашган ва 108 та маҳаллий маҳсулотларга тўйинмаган бозор аниқланди. Бугунги кунда 100 дан ортиқ товар бозорида монополия ҳолати сақланиб қолмоқда, шу жумладан, металлургия, нефтни қайта ишлаш, кимё, автомобиль ва машинасозлик, тоғ-кон саноати соҳаларида ҳамда йирик табиий монополия соҳаларининг атрофидаги ёндош бозорлар ҳам улар томонидан эгаллаб олинаётгани кузатилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги фармонига кўра, халқаро молия институтлари ҳамда етарли тажрибага эга илғор халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда, 2023 йил 1 январдан бошлаб Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ҳар йили Олий Мажлис Сенатига ахборот тақдим этиб борадиган Рақобат ривожланиши индексини жорий қилиш белгиланган.

Бунда, товар ва молия бозорларидаги рақобат муҳити, товар ва молия бозорларига кириш учун тўсиқларнинг бартараф этилганлиги, энергия ресурсларидан ишончли ва барқарор фойдаланиш имконияти ҳамда ушбу ресурслар билан таъминланганлик, хусусий мулк дахлсизлиги ва ер муносабатларининг ривожланганлиги, транспорт ва коммуникация тармоқларидан (шу жумладан, интернет) фойдаланиш, логистика самарадорлиги, муқобил транспорт воситаларининг ўзаро боғлиқлиги (connectivity) ва ривожланганлиги асосий баҳолаш мезонлари сифатида кўзда тутилади.

Ушбу индекс товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини яхшилашга ва монополияга қарши курашиш сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган. Мазкур индекс концепциясини ишлаб чиқишда Жаҳон банки ҳамда Осиё тараққиёт банкининг техник кўмагини жалб қилиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти (ОЭСР) билан ҳаморликда “Siemens Integrity Initiative” компаниясининг молиявий кўмаги доирасида уч йиллик “Рақобатбардошликни таъминлашнинг адолатли бозор шартлари” лойиҳаси йўлга қўйилган. Мазкур лойиҳа доирасида Жазоир, Хорватия, Саудия Арабистони, Сербия, Жанубий Африка Республикаси билан бир қаторда,Ўзбекистон Республикаси бенефициар сифатида танлаб олинган. Уни татбиқ этиш бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланган. Бунда асосий эътибор товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик субъектлари учун юқори даражали рақобатбардош майдон яратишга қаратилади.

Айни пайтда бундай долзарб муаммоларни ҳал этиш устида ишлар кетяпти. Уларнинг ҳал этилиши яқин истиқболда монополлашган товар бозорлари сонини камида 45 фоизга, монопол корхоналар сонини 40 фоизга қисқартириш, эксклюзив ҳуқуқ ва имтиёзларни тақдим этишни кўзда тутган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг камида 60 фоизини бекор қилиш, иқтисодий эркинлик индексида инвестицион фаолият эркинлиги индикатори бўйича кўрсаткични 20 дан 80 гача ошириш каби вазифалар ижросини таъминлашда мустаҳкам таянч бўлади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.**

**СЎНГГИ 2 ЙИЛДА БИРЖАЛАР ОРҚАЛИ СОТИЛИШИ ТАЪМИНЛАНГАН ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ ВА МОНОПОЛ МАҲСУЛОТЛАР СОНИ 27 ТАДАН 45 ТАГА ЕТКАЗИЛДИ (ЁКИ ЖАМИ САВДОЛАРИНИНГ 87 ФОИЗИ), НАТИЖАДА ТАДБИРКОРЛАРГА ҚЎШИМЧА 140,7 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ.**



**БИР ҚАТОР ТОВАР БОЗОРЛАРИДА ТАДБИРКОРЛАРГА КИРИШ ИМКОНИЯТИ ЕНГИЛЛАШТИРИЛДИ. ЖУМЛАДАН, МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОЗОРИДА ИНДУКЦИОН ПЕЧЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҚЎЙИЛГАН ЧЕКЛОВЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ. БУ ЭСА БЕВОСИТА 50 ТА ТАДБИРКОРГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТИКЛАШ ИМКОНИНИ БЕРДИ.**

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

**КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН**

# ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ

**Ер ости хазиналаридан оқилона ва самарали фойдаланиш юртимиз равнақига хизмат қилади. Канаданинг Kitko халқаро таҳлилий маркази маълумотларига кўра, Қизилқум кенгликларида жойлашган Мурунтов кони кейинги икки йил давомида олтин қазиб олиш бўйича жаҳонда етакчи ўринни эгаллаб келяпти. Ўтган йили мазкур конда 2 миллион унциядан зиёд (1 унция — 28,3 грамм) олтин қазиб олинди.**



**Холмамат РАУПОВ,**
**“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ жамоатчилик билан алоқалар бўйича директори, тарих фанлари номзоди**

Бу унда меҳнат қилаётган ҳар бир кончига ифтихор ва ғурур туйғусини бахш этиши баробарида янги марраларни эгаллашга руҳлантирмоқда. Навоий кон-металлургия комбинатининг таянч бўғинларидан бири ҳисобланган ушбу корхонанинг бугунги фаолиятига назар ташлашдан олдин жаҳон жавоҳири, деб аталмиш рангли металлар, жумладан, Мурунтов конининг очилиш тарихига назар ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, улуғ бобомиз айтганидек, мозийга қайтиб иш кўриш хайрликдир.

## Кўҳна тарих битиклари

Кўҳна тарихнинг Марказий Осиёга тааллуқли саҳифалари бу ўлкада қимматбаҳо қазилма бойликлари кўп бўлганидан гувоҳлик беради. Хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида олтин конлари ва улардан тайёрланган буюмлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар антик давр тарихчилари Геродот ва Страбон асарларида учрайди.

Геродот Орол денгизидан то Нуротагача чўзилган Қизилқум саҳросида яшаган кўчманчи массагет қабилалари тўғрисида: “Улар отда ва пиёда юрадилар. Одатда уларнинг қуроллари камон, найза ва жанговар ойболталардан иборат. Буюмлари олтин ва мисдан ишланган”, деб ёзади.

Страбон эса: “Уларнинг юртида кумуш мутлақо йўқ, темир ҳам, аммо мис ва олтин мўл”, дея алоҳида қайд этади.

Тарихий маълумотларга кўра, Марказий Қизилқум ва Нурота тоғлари ҳамда Оҳангарон воҳаси қадимдан рангли металларга бой ҳудудлар бўлган. Улардан қазиб олинган бойликлар ўз даврида, аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлиги таъминлашга хизмат қилган. Иккинчидан эса халқимизнинг бебаҳо истеъдоди туфайли улар чинакам санъат асарларига айланган.

## Ўзбек геология мактаби

Ўтган асрнинг 50-йилларида юртимиз геология хизмати ходимлари академик Ҳабиб Абдуллаев раҳбарлигида кенг қамровли тадқиқотларни бошлайди ва асосий эътибор Ўзбекистоннинг ғарбий қисмига қаратилади. Саҳролардаги изланишлар натижасида Қизилқум саҳроси ва Нурота тоғларида олтин конлари истиқболлари тасдиқланади.

Ҳабиб Абдуллаев илмий мактабининг ёрқин намояндаларидан бири — машҳур геолог олим Иброҳим Ҳамробоевнинг 1958 йилда чоп этилган “Ғарбий Ўзбекистонда магматизм ва постмагматизм жараёнлари” асари юртимизда олтин ва бошқа қимматбаҳо металл конларини аниқлашга асослардан бири бўлди.

Геологларнинг маълумотлари асосида Қизилқум саҳросини геологик ўрганиш учун катта маблағ ажратилиб, дала ишларига юқори малакали мутахассислар жалб этилди. Улар Томдитов тоғлари жануби-шарқида геофизик ва геокимёвий усулларни кенг татбиқ этган ҳолда қидирув ишларини олиб борди. Натижада маъдан таркибида олтин миқдори юқори бўлган йирик Мурунтов кони аниқланди.

Иброҳим Ҳамробоев раҳбарлигидаги геологлар номи Мурунтов конини топган олимлар сифатида тарих зарварақларига муҳрланди. Шунингдек, Томдибулоқ ва Чормитан олтин конларининг очилиши ҳам унинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Чормитан конини очгани учун унга “Коннинг илк кашфиётчиси” дипломи берилган.

Иброҳим Ҳамробоевнинг геология фани равнақига қўшган катта ҳиссаси учун янги топилган камёб минералга “Khamrabaevit” номи берилди. Бутун умрини Марказий Осиё ва Ўзбекистон геологияси, ер ости конларини ўрганишга бағишлаган олим магматик жинслар петрологияси ва геокимёси ечимлари, маъданлар пайдо бўлиши ва металлогенияси, ер пўсти чуқурлиги билан боғлиқ магматизм ва металлогения масалаларининг ўзаро алоқадорлиги каби ниҳоятда долзарб масалалар юзасидан серқирра изланишлар олиб бориб, улкан кашфиётлар қилди.

## Дунёнинг энг йирик кони

Бугунги кунда ушбу улкан кон мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутади. Олтин захираларининг кўплиги, маъдан қазиб олиш технологик шароитлари қулайлиги учун у “жаҳоннинг ноёб жавоҳири”, “аср мўъжизаси”, деб ҳам аталади.

Мурунтов кони очилиши билан кон хусусиятлари батафсил ўрганилди. Хусусан, чуқур ва ўта чуқур бўлиши кутилган жойда олтиннинг умумий ҳажми, имкониятлари ва келажакда излаб топилиши бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. 1965 йилдан 1969 йилгача бўлган қисқа вақт ичида кон саноат ишлаб чиқарилишига тайёрланди, юқори кучланишли электр узатиш линияси ва Амударёдан сув қувури тортилди.

Мурунтов кони маъданидаги олтин зарраларининг 50-60 фоизи 0,01- 0,02 миллиграмм атрофида бўлиб, микроскопда зўрға кўринади. Бу қадар майда олтинни тошдан ажратиб олиш жуда машаққатли жараён. Рудали томирлар ёки ўзгарган жинсларнинг қалинлиги бир неча сантиметрдан 50-60 метргача, узунлиги эса бир неча метрдан то 2 километргача етади. Шу хилдаги жинслар туб негизига қараб, тик ёки қия ётган девор шаклида бир неча юз метргача чуқургача кетган бўлади.

Коннинг очилиши натижасида Қизилқум саҳросининг ўзлаштирилиши бошланди. 1964 йилда Мурунтов конида олтин қазиб чиқариш ва қайта ишлаш тармоғини яратиш, 1967 йилда 2-гидрометаллургия заводини қуришга киришилди. Янги шаҳарга асос солинди.



> **МУРУНТОВ ОЛТИН ТАРКИБЛИ РУДАЛАРНИ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ БЎЙИЧА ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК КОНДИР. ЮҚОРИДА ҲАМ ҚАЙД ЭТГАНИМИЗДЕК, МУРУНТОВ 2020 ВА 2021 ЙИЛЛАРДА ОЛТИН ҚАЗИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ЖАҲОНДАГИ КОНЛАР РЕЙТИНГИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ. МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, МУРУНТОВ КОНИ 1,8 МИЛЛИАРД ТОННА МАЪДАН ҲАМДА 4,5 МИНГ ТОННА ОЛТИН ЗАХИРАСИГА ЭГА.**

Турли касб эгалари саъй-ҳаракатлари туфайли 1969 йил 21 июнь куни биринчи марта тозаланган соф олтин олишга эришилди. 1969 йил 21 июлда эса тарихий воқеа — биринчи марта Мурунтов конидан 11 килограмм 820 граммли соф олтин ёмбиси олинди. Қизилқум ҳудуди Ўзбекистоннинг йирик олтин ишлаб чиқариш ҳудудига айланди. 2-гидрометаллургия заводи 999,9 пробали соф олтин олиниши билан маълум ва машҳурдир.

Мурунтов олтин таркибли рудаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича дунёдаги энг йирик кондир. Юқорида ҳам қайд этганимиздек, Мурунтов 2020 ва 2021 йилларда олтин қазиб олиш бўйича жаҳондаги конлар рейтингида биринчи ўринни эгаллади. Маълумотларга кўра, Мурунтов кони 1,8 миллиард тонна маъдан ҳамда 4,5 минг тонна олтин захирасига эга.

## Янги лойиҳалар самаралари

Комбинатда кейинги йилларда янги технологиялар, инновацион ечимлар ва лойиҳалар изчил жорий этилиб, мавжуд қувватларни модернизация қилган ҳолда замон билан ҳамнафас қадам ташланмоқда. Барча йирик бўлинмаларда инновацион технологиялар хизматлари шакллантирилган. Кўплаб илмий ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Комбинат муҳандис ва мутахассисларининг машаққатли изланишлари натижасида Мурунтов конида жаҳонда ягона ва ноёб, 14 миллион тонна маъданни 285 метр баландликка олиб чиқиш имконини берувчи, қиялик бурчаги 37 даража ва умумий узунлиги 1 минг 802 метр бўлган тик-қия конвейер (КНК-270) ишга туширилган. Бу кон-металлургия саноати тарихида оламшумул янгиликдир. Унинг фойдаланишга топширилиши туфайли конда маъданни транспортларда ташиш масофаси 4,5 километрга, кўтариш баландлигини эса 285 метрга қисқартиришга эришилди. Конвейернинг иқтисодий самараси жуда катта бўлмоқда.

Айни пайтда қиймати 733,9 миллион доллар бўлган ва 1,8 мингта янги иш ўрни яратиш имконини берувчи “Мурунтов конини ўзлаштириш (5-навбати) 1-босқич” инвестицион лойиҳаси жорий этиляпти. 2021 йил август ойида коннинг шимолий қисмида йилига 15 миллион тонна тоғ жинсини ташқи ағдармаларга ташиш қувватига эга учинчи йирик транспорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. У умумий узунлиги 2 минг 154 метрни ташкил этувчи конвейер ва ағдарма ҳосил қилувчи воситалардан иборат. Ҳозирги вақтда Мурунтовдаги мавжуд конвейер линияларининг умумий узунлиги 6 минг 811 метрни ташкил этади.

Бугунги кунда кондан йилига 42 миллион тоннадан ортиқ маъдан қазиб олинаётган бўлса, яқин келажакда бу кўрсаткич 50 миллион тоннага етказилиши кўзда тутилмоқда. Унинг бешинчи навбати бўйича олиб борилаётган ишлар келгусида 1000 метр ва ундан ҳам чуқурроқдан олтин қазиб олиш имконини беради.

Ҳозир коннинг узунлиги 4,3, эни 3,2 километр, чуқурлиги 650 метрга яқинлиги ҳисобга олинса, олдинда қандай катта ҳажмдаги ишлар турганини тасаввур этиш мумкин.

## Халқаро юқори сифат эталони

Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулот — олтин қуймаларга 1995 йилда Лондондаги Қимматбаҳо металлар биржаси арбитраж лабораторияси томонидан “Оптимал етказиб бериш” мақоми берилган бўлса, 1998 йили Токио биржаси уни халқаро сифат эталони, деб эътироф этди. 2019 йилда эса комбинатга Лондон олтин қуймалари бозори уюшмаси (LBMA — London Bullion Market Association) томонидан бозор талабларига тўла риоя қилиш борасида навбатдаги тест синовларидан муваффақиятли ўтганини тасдиқловчи сертификат берилди. Ўзбекистон олтинининг бутун дунёда тан олингани мазкур соҳа вакилларининг юқори профессионал даражаси ва айни пайтда машаққатли ва фахрли меҳнатининг юксак эътирофидир.

“Соф олтин” умумлаштирилган тушунча бўлиб, юксак ишонч ва ишлаб чиқарувчилар масъулиятининг энг юқори даражадаги кафолати ҳисобланади. Бу энг замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, юксак меҳнат маданияти ва одамлар ўртасидаги чинакам самимий муносабатлар рамзидир. 999,9 пробали олтин зар суви (азот кислотаси билан хлорид қоришмаси) ва электролизи (электр токи ўтишида электролитга ботирилган электродларда рўй берадиган электрокимёвий оксидлаш-қайтарилиш жараёнлари мажмуи) йўли билан олинади. Олтин металлининг бир тоннасида атиги 40-50 грамм миқдорида ёт аралашмалар йиғиндиси бўлади.

## Янги стратегия ва имкониятлар

Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида кон-металлургия соҳаси ходимлари зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилган. Шу боис, кончилар олдида катта довонларни забт этишдек улуғ мақсадлар ҳамда шунга яраша марралар турибди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимиз бугунги кунда олтин захираси бўйича дунёда 2-ўринни, мис бўйича — 7, вольфрам бўйича — 8, кумуш бўйича — 9, уран бўйича 12-ўринни эгаллайди. Айни пайтда Ўзбекистонда 2 минг 25 тадан ортиқ кон мавжуд. Жумладан, 97 та қимматбаҳо металлар (олтин ва кумуш), 12 та рангли ва нодир металлар, 38 та радиоактив металлар, 30 та қимматбаҳо тошлар кони мавжуд.

Кейинги йилларда кон-металлургия соҳаси ўзининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Навоий кон-металлургия комбинатини ривожлантиришнинг 2017-2026 йилларга мўлжалланган дастури ижросини таъминлаш йўлида қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 27 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар натижасида янги завод ва конлар фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, яқинда Томди тумани ҳудудида очилган Балпантоғ ва Томдибулоқ конларида қазиш ишлари бошланди.

Ҳозирги кунда комбинат жамоаси томонидан Нурота туманидаги Пистали кони негизида йилига 4 миллион тонна олтин маъданини қазиб олиш ва қайта ишлайдиган 6-гидрометаллургия заводи барпо этилмоқда. Бундан ташқари, яқин йилларда Қизилқум кенгликларидаги Нуқракон ва Косманачи конларидан кумуш таркибли маъданлар қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланади.

Мухтасар айтганда, Мурунтов кони очилиши натижасида бир вақтлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган Қизилқум саҳросида фидойи ва жасоратли инсонларнинг меҳнатлари туфайли йирик саноат мажмуалари барпо этилди. Бугунги кунда бу ва юртимизнинг бошқа конларидан қазиб олинаётган ер ости бойликлари иқтисодиётимизни ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Қолаверса, комбинат энг йирик солиқ тўловчи корхоналар ўнталиги орасида етакчилик қилиб, юртимизнинг йиллик солиқ ҳажми шаклланишига 20 фоизга яқин ҳисса қўшиб келаётгани ҳолда, ўтган йилни 10,7 триллион сўм умумий фойда билан якунлаганини ҳам унинг салоҳиятини амалда яққол кўрсатиб турибди.

---

**БУГУННИНГ ГАПИ**



# ДЕҲҚОН ҒАЛЛАНИ БИРЖАДА СОТАДИ

**Рауф НУРУЛЛАЕВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

**Буғдой ер юзида энг кўп тарқалган қадимий экин. Археологлар маълумотларига кўра, буғдой Кичик Осиёда 8-9 минг йил олдин ўтроқ аҳолининг муҳим озиқ-овқат маҳсулоти бўлган. Фойдали хусусиятига кўра, ғаллани ёшлик эликсири дейишлари ҳам бежиз эмас. Таркибидаги витамин ва минерал моддалар организмни тетиклаштириб, ҳаётий қувватини оширади, умрни узайтиради. Ҳамма замонларда ҳам буғдой тириклик манбаи, ундан тайёрланган нон қиёси йўқ неъмат саналган ва шундай бўлиб қолмоқда.**

## Ислоҳотларнинг муҳим босқичи

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 мартдаги “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори фермер ва деҳқонларимиз азалий орзусининг ижобати, соҳада туб бурилишни бошлаб берди десак, муболаға бўлмайди.

Қарор билан 2020 йил ҳосилидан бошлаб давлат харидි учун товар дон сотиш миқдори 25 фоизга камайтирилди ёки ҳар бир бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларининг ўзларида қолдириладиган бўлди. 2021 йил ҳосилидан бошлаб давлат томонидан ғаллага харид нархини белгилаш ва давлат харидидан тўлиқ воз кечишга киришилди...

Бу ислоҳотларга пухта тайёргарлик кўрилиб, барча ишлар босқичма-босқич амалга ошириб келинаётганини кўрсатади. Ўтган йили ғаллакорларимиз 7,4 миллион тоннага яқин дон хирмони кўтарди, кўплаб фермер хўжаликларининг ҳосилдорлиги гектаридан 100 центнерни ташкил этди.

Маълумки, бугунги кунда сайёрамизнинг турли нуқталарида давом этаётган таҳликалар, қурғоқчилик, иқлим ўзгариши ва бошқа омиллар сабаб инсоният озиқ-овқат ва дон тақчиллиги таҳдиди қаршисида қолган.

— Президент ҳузурида ғаллачиликдаги ислоҳотларнинг энг муҳим босқичига бағишланган йиғилишда яна бир бор бу масалага эътибор қаратилгани бежиз эмас, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Дилрабо Холбоева. — Дунё қанчалар беқарор бўлиб турганини кўриб, билиб турибмиз. Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи эса ўз долзарблигини йўқотмаган.

Жаҳон бозорларида озиқ-овқат нархлари кун сайин юқори суръатлар билан ўсмоқда. Бугунги кунда халқаро биржаларда 1 тонна буғдой 400 доллардан сотилмоқда ва йил бошига нисбатан 30 фоизга ошди.

Бундай вазиятда юртимизда нарх-навонинг ошиб кетишига йўл қўймаслик, халқимизнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш устувор вазифага айланмоқда. Хўш, бундай вазиятда қандай йўл тутиляпти?

Президентимиз таъкидлаганларидек, нарх-наво барқарорлигини таъминлашнинг ягона тўғри йўли бу — фермерлар манфаатдорлигини таъминлаш, ҳосилдорликни ошириш орқали бозорда таклифни кўпайтириш ҳисобланади. Бунинг учун ғаллачиликда бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш зарур. Бу орқали ўсиш бўлади, рақобат юзага келади.

Соҳада хусусий секторга кенг йўл очилгани туфайли унинг улуши тобора ортиб бораётир. Хусусан, сўнгги уч йилда ҳудудларда қуввати қарийб 3 миллион тонна бўлган 160 дан ортиқ йирик хусусий дон корхоналари иш бошлади. Натижада ўтган йилда республика бўйича қарийб 3,5 миллион тонна ун ишлаб чиқарилган, шундан 54 фоизи хусусий дон корхоналари ҳиссасига тўғри келган.

Афсуски, бу муаммолар йўқ, дегани эмас. Бугунги кунда “Ўздонмаҳсулот” компанияси таркибидаги 43 та дон корхоналари янги бозор шароитларида самарали ишлашга тайёр эмас. Чунки шу пайтгача компания таркибидаги дон корхоналари фермерлардан тайёр буғдойни қабул қилиб, уни қайта ишлаш билан шуғулланиб келган. Оқибатда, уларнинг ун ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ўртача 60 фоиздан ошмайди. Бунинг устига, “Ўздонмаҳсулот” корхоналарининг Қишлоқ хўжалиги жамғармаси олдидаги қарзи 1,8 триллион сўмни ташкил этиб, шундан 1,1 триллион сўми умидсиз қарз ҳисобланади.

## Биз кутган кунлар етиб келди

Очиғи, давлат дон корхоналаридаги айни пайтдаги эскича тизим ғалла етиштирувчига ҳам, қайта ишловчиларга ҳам фойда келтирмай келаётган эди. Шу боис, бундан уч йил олдин дон етиштиришда давлат буюртмасини босқичма-босқич бекор қилиш ва ҳақиқий ғалла бозорини яратишга ўтиш вазифаси эълон қилинган эди.

— Мана, фермер-деҳқонлар кутган кунлар ҳам бошланмоқда, — дейди Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги “Ишбилармон Элёр Чимқўрғон” фермер хўжалиги раҳбари Элёр Абдуғаниев. — Президентимизнинг йиғилишда қанчалик қийин бўлмасин, 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтамиз, деган сўзлари бизга қанот бағишлади. Эндиликда кластерлар билан ҳамкорликда етиштирган ғалламизни биржа савдоларига олиб чиқиш учун барча шароитлар яратилади.

Тўғри, айни пайтда биржа савдоларида қатнашишда билим малакамиз камлик қилиши мумкин. Лекин бу муаммони ҳал этиш йўли ҳам кўрсатиб берилди. Мутасаддиларга икки ҳафта муддатда буғдой етиштирувчи фермер ва кластерларни биржадан рўйхатдан ўтказиш ҳамда брокерларни бириктириб, ўқитишни ташкил қилиш топширилди.

Айтиш жоиз, 20 гектар ғаллазоримизда ҳосил чўғи баланд. Ерларимиз бонитети паст майдонларда жойлашганига қарамай, гектар бошига камида 50 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллаб турибмиз. Бу юз тоннадан ортиқ ғалла ҳосили дегани. Кластер билан тузилган шартномага мувофиқ, унинг тенг ярми ўзимизда қолади. Янги белгиланаётган тамойилга кўра, унинг ҳам муайян қисмини биржада қулай нархларда сотишимиз мумкин.

— Бизни, айниқса, Президентимизнинг давлат ресурслари учун сотиб олинадиган 1 тонна буғдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 бараварга оширилиши маълум қилингани беҳад мамнун этди, — дейди Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги “Деҳқон замини” фермер хўжалиги раҳбари Назирахон Иброҳимова. — Қишлоқ хўжалиги жамғармаси харид қилган 1 миллион 783 минг тонна буғдой эҳтиёжга қараб ойма-ой биржага чиқарилиши, биржада шаклланган ўртача нархлардан келиб чиқиб, фермерларга ўртадаги ижобий фарқ ҳам тўлаб берилиши юзасидан кўрсатмалар берилди. Мисол учун, август ойида 1 тонна ғалланинг биржа нархи 3,5 миллион сўм бўлса, фермерга яна 500 минг сўм тўлаб берилади. Бу мақсадлар учун жорий йилда давлатдан 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

— Яна бир аҳамиятли жиҳати, фермерлар 2022 йил буғдой ҳосили учун биржа тўловларидан озод қилинади, — дейди Дилрабо Холбоева. — Жорий йил жами ғалла ҳосили учун 7,6 триллион сўм ажратилади. Янги тизимни тўлақонли, адолатли ва очиқ-ошкора ишлаб кетиши, ҳар бир сўм фермер ва кластерга ўз вақтида, тўлиқ етиб бориши, нарх-навонинг ўсиши ва тақчилликнинг олдини олиш бўйича “кунбай” назорат тизими жорий қилинади. Бунинг учун Бош прокурор бошчилигида Республика штаби ташкил этилади. Ҳудудий штабларга вилоят ҳокимлари ва прокурорлари раҳбарлик қилади.

Буғдойнинг ҳақиқий эгаси бу — фермер ва кластерлар. Шунинг учун, бундан буён туманда режа бажарилмаяпти, чорва, парранда ёки балиқчиликка озуқа-ем керак, деган важлар билан фермерлар ғалласини олиб қўйиш қатъиян тақиқланадиган бўлди. Бундан ташқари, биржа орқали сотилган буғдойга ҳудудлараро чеклов қўйилмайди. Масалан, қайси ҳудуддаги корхона биржада ютиб олса, ҳеч қандай тўсиқларсиз ғаллани олиб кетиши мумкин. Бош прокурор, вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари бу масалани шахсан назоратига олиб, фермерни норози қилган раҳбарларга қатъий чоралар кўради.

Шу кунларга етиб келаётганимизга шукр. Чунки ғаллачилик соҳасига бозор тамойиллари тўла кириб келяпти. Агар фермер биржага чиқиб, ғалласини ўзи мустақил сотса, унинг даромади ошади, ўз меҳнати натижасидан кўнгли тўлади. Табиийки, бундан унинг ҳам, элнинг ҳам дастурхони янада тўкин бўлади.



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# Туризм ривожи

## МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИ АСРАШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

**Ўзбекистон қадим цивилизация ўчоқларидан бири ўлароқ, бой тарихий меросга эга. Бу кўҳна замин асрлар давомида Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғловчи муҳим кўприк, тараққиёт чорраҳаси сифатида танилган.**



**Шаҳриёр НУРУЛЛОЕВ,**
**Маданий мерос агентлиги директори**

Маданий мерос юртимизнинг бемисл тарихий бойликларидан бири. Бу бойлик минг йиллар давомида шаклланиб келган ва бугунги кунда уни асраб-авайлаш, келажак авлодга безавол етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Маданий меросимиз нафақат биз учун улкан маънавий хазина, балки сайёҳларни юртимизга чорловчи ташриф қоғози, туризмни жадал ривожлантиришнинг муҳим омили ҳамдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда сўнгги йилларда туризмни ривожлантириш, соҳани иқтисодиётнинг муҳим йўналишларидан бирига айлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда виза тартибларини енгиллаштириш орқали сайёҳларга қулай шароитлар яратилаётгани, ички туризм қўллаб-қувватланаётгани, тадбиркорларга субсидия ва имтиёзли кредит ажратилаётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги халқимизнинг бир неча минг йиллик бой меросини асраб-авайлаш билан бирга, юртимизнинг туризм жозибадорлигини оширишга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда.

Президентимизнинг шу йил 30 апрелдаги "Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар ривожини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўташи шубҳасиз. Негаки, ҳужжат билан иқтисодиётда туризмни стратегик даражага кўтариш, ички туризм хизматларини диверсификация қилиш ва ҳажмини кескин кўпайтириш, фуқароларни мамлакатимизнинг туризм салоҳияти билан таништириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, туризм хизматлари сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркорлар учун қўшимча имкониятлар яратиш, замонавий хизматлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромад манбаини кенгайтириш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Агентлигимиз зиммасига моддий-маданий мерос объектлари чипта чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали саёҳат харажатларини қайтариш, ички саёҳатларни режалаштириш ҳамда "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасида тақдим қилинадиган чегирмалар, тайёр туристик пакетларни мустақил шакллантиришни назарда тутувчи электрон платформада рўйхатдан ўтказиш учун шароит яратиш вазифаси юкланди. Ишончим комилки, бу имтиёз сайёҳ ва зиёратчиларимизга қўшимча қулайлик яратади, уларни туризм имкониятларидан кенг фойдаланишга рағбатлантиради.



Маданий мерос агентлиги Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган. Агентликнинг мақсад ва вазифалари ушбу ҳужжатда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, Ўзбекистон халқининг бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчи ноёб ва нодир маданий меросини асраб-авайлашни кучайтириш, соҳани рақамлаштириш, инновацион ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жаҳоннинг илғор тажрибаларини самарали қўллашдан иборат. Кўриниб турибдики, соҳани инновацион ривожлантириш, ахборот технологияларининг замонавий имкониятларини татбиқ этиш асосий вазифаларимиздан саналади.

Шу ўринда айтиш керакки, яқинда Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда агентлигимиз томонидан тарихий обидаларни асраш бўйича ишонч телефони (71) 200 01 18) ишга туширилди. Энди юртимизда жойлашган барча маданий мерос объектларига нисбатан бирор хавф туғилган тақдирда ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, бу хавфдан огоҳ этиш имкони бор.

Айни пайтда мамлакатимизда моддий маданий мероснинг 8 минг 200 дан ортиқ кўчмас мулк объекти мавжуд. Эндиликда бу рақам янада кўпаяди. Зеро, Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан юртимизнинг тарихий манзиллари, бино-иншоотларида ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозир юртимиздаги маданий мерос объектларидан 10 фоизи оғир аҳволда. Ўрганишлар жараёнида шундай объектлардан 365 таси аниқланган. Бугунги кунга келиб, барча объектлар ўрганиб чиқилган.

2022 йил давомида асрашга доир ишлар амалга ошириладиган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари манзилли рўйхати ҳам тасдиқланди. Унга кўра, ушбу рўйхатдан жами 34 та маданий мерос объекти ўрин олган ва уларни таъмирлаш-тиклаш ишлари учун давлат бюджетидан 75 миллиард сўм йўналтирилиши режалаштирилган. Жумладан, шу йил Баҳодир Ялангтўшбий мадрасаси, Талипоч қалъа қолдиқлари, Улуғбек мадрасаси, Амир Олимхон мадрасаси, Кўкгумбаз, Оқсарой, Исломхўжа ёзги қароргоҳи, Чодра ҳовли каби объектларда реставрация ишлари олиб борилади.

Маданий меросимиз барчамиз, бутун халқимизнинг бойлигидир. Аянчли томони, у йўқотилган тақдирда ҳеч қачон қайтмайди. Айни шу сабабли уни асраш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мухтасар айтганда, юртимизда туризм тараққий этгани сайин маданий мерос объектларини асраш имкониятлари ҳам кенгайиб бораверади. Шу маънода, юқорида қайд этилган қарор юртимиз туризм ривожини янги босқичга олиб чиқиши билан янада аҳамиятлидир.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

**Мунира АМИНОВА,**
**Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ректори вазифасини бажарувчи, сиёсий фанлар доктори, профессор**

**Мамлакатимизда илм-фан ривожини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, хусусан, халқ фаровонлиги, дастурхони ободлигига бевосита таъсир этувчи соҳа — қишлоқ хўжалигини илғор технологиялар асосида тараққий эттириш ислоҳотлар силсиласидаги муҳим бўғинни ташкил этмоқда.**





# ЖАҲОНГА БЎЙЛАШАЁТГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

## МИЛЛИЙ КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА ТАЙЁРЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи кун сайин долзарблашаётган паллада қишлоқ хўжалиги кадрлари сифатини, ўқитиш самарадорлигини оширишда чет элнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик келгусида ўзининг самарасини бериши шубҳасиз.

Шу маънода, Президентимизнинг жорий йил 7 майдаги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети (Royal Agriculture University) ҳамкорлигида Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ташкил этилгани муҳим воқеа бўлди.



Бунгача ўтган йилнинг ноябрь ойида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги делегацияси Буюк Британиянинг Қироллик қишлоқ хўжалиги университетида музокаралар ўтказиб, халқаро олий таълим муассасасини очиш бўйича келишувга эришган эди.

Royal Agriculture University 1842 йилда ташкил этилган бўлиб, мамлакатда соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича 5-ўринда туради. Ушбу олий таълим муассасаси васийлик кенгаши раиси шаҳзода Чарльздир.

Президентимиз қарорига кўра, Халқаро қишлоқ хўжалиги университети 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб 200 нафар талабани грант асосида ўқишга қабул қилади. У тўлиқ академик ва молиявий мустақил давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, ўқув жараёни инглиз тилида олиб борилади. Ушбу олий ўқув юрти вақтинча Тошкент давлат аграр университети ҳудудида жойлаштирилади.

Ҳужжатда белгилангандек, университетнинг устувор мақсади қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида аграр соҳанинг замонавий тармоқлари учун халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, етакчи хорижий университетлар билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантиришдир.

Шунингдек, илм ва инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, агротехнологияларни ривожлантириш ва экологик барқарорликни таъминлаш, соҳада бизнес ва оператив самарадорликни ишлаб чиқишни қамраб оладиган илмий тадқиқотлар олиб бориш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, университет зиммасига замонавий талаблар асосида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, соҳа мутахассислари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш юкланмоқда.

Мазкур фаолиятни амалга оширишда ўқув режалари, фан дастурларини Қироллик қишлоқ хўжалиги университети тасдиқлайди. Ўқув материаллари, ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлайди. Ёш истиқболли илмий-педагог кадрларни тайёрлашга, уларнинг хорижда малака оширишига кўмаклашади ҳамда профессор-ўқитувчилар ва докторантлар учун халқаро тажриба алмашинувини ташкил этади.

Университетда фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини таълим жараёнига жорий этган ҳолда, ақлли қишлоқ хўжалиги (Smart Agriculture), биотехнология, агроиқтисодиёт, агрономия, биотехнология, чорвачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, агрологистика йўналишларида юксак малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Ўқув жараёнини бошлаш учун Қироллик қишлоқ хўжалиги университети ва бошқа хорижий олий таълим муассасаларининг 12 профессори жалб этилиб, улар томонидан 16 нафар маҳаллий профессорнинг малакаси оширилади. Келажакда хорижлик профессорлар сони 40 нафарга, маҳаллий профессорлар сони 100 нафарга етказилади.

Асосийси, университет битирувчиларига Қироллик қишлоқ хўжалиги университетининг Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган дипломи берилади ҳамда қабул қилиш параметрлари ва тартиби, якуний аттестацияси тартиби мазкур олийгоҳ билан келишган ҳолда белгиланади.

Шунингдек, университетда аграр соҳани ривожлантириш, жаҳон тенденциялари ва тажрибасини акс эттиришга мослашган "Science-based, practice-oriented" (илмга асосланган амалиёт) шиори остида малакали кадрлар тайёрланади.

Бундан ташқари, Халқаро қишлоқ хўжалиги университетида талабаларнинг таҳлилий фикрлаш, мослашувчанлик, муаммоларни ҳал қилиш, назарий билимларни амалиётга жорий қилиш, тадқиқот кўникмалари ривожлантирилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил этиш борасида Нидерландиянинг Вагенинген университети, АҚШнинг Миссисипи ҳамда Миссури университетлари, Германиянинг Лейбниц институти, Испаниянинг Кастил Ла Маша университети билан ҳам келишувларга эришилди. Хусусан, Кастил Ла Маша университети магистратура мутахассислигини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади.

Қарорга кўра, қишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида "Capacity Building Center" тармоқ маркази ташкил этилмоқда. Унда соҳадаги давлат идоралари, шунингдек, фермерлар, кластерлар раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, соҳа мутахассислигини қисқа муддатли профессионал ўқитиш йўлга қўйилади.

Марказ соҳадаги олий ва профессионал таълим ҳамда илмий муассасаларда илмий салоҳиятни юксалтириш, жумладан, соҳадаги муаммоларнинг илмий ечимини топишга оид доимий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш, нуфузли журналларда тадқиқотчиларнинг мақолаларини чоп этишга кўмаклашади.

Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш билан боғлиқ харажатлар учун Европа Иттифоқи ва Жаҳон банкининг грантлари жалб этилади.

КИТОБХОНЛИК

# ЎЗАНИГА ҚАЙТАЁТГАН ДАРЁЛАР

**Муҳаммад ВАЛИ,**
**адабиётшунос**

**Кейинги йилларда юртимизда китобхонлар сафи кўпаймоқда. Бу жараённи ўзанига қайтаётган дарёларга қиёслаш мумкин. Ёшлар китобхонлиги масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, изчил тизимга айлангач, давлатимиз раҳбари янги ташаббусни олға сурди — барча умумтаълим муассасаларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди. Тарғиботчи зиммасига мактабдаги мутолаа жараёнига масъуллик юкланди. Шундай қилиб, ўтган йилнинг биринчи апрелидан тарғиботчи сифатида кўплаб ёзувчилар, журналистлар ва санъат аҳли мактабларга бириктирилди.**

Хўш, нима сабабдан ёшлар китобхонлиги ва мутолаа муаммолари бу қадар жиддий тарзда кун тартибига қўйилди? Келинг, бу саволга яқин тарихимиздан жавоб излаймиз. Мактабни тамомлаганимга қирқ йил бўлди. Ўқувчилик давримда Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев ва Ўткир Ҳошимов, Омон Матжон ва Ҳалима Худойбердиеванинг китоблари қўлма-қўл ўқиларди. У пайтларда "Ўзбек совет адабиёти" деб номланган дарслик бўларди ва унда ҳозир тилга олинган ижодкорлар номи учрамасди. Ғалати парадоксни қарангки, биз ўқув дастурлари ва дарсликларга киритилган ижодкорларнинг эмас, балки юқорида номлари зикр этилган ёш шоир ва ёзувчиларнинг мактаб кутубхонасини тўлдирган асарларини ўқишга интилардик, китобларини талашиб-тортишиб мутолаа қилардик.

Эсимда, бир куни онам билан Абдужаббор тоғамникига бордик. Тоғам раҳматли "Ўткан кунлар"ни ўқиётган экан. У кўзойнагини қўлига олиб, онамга боқаркан: "Майрамбу, Кумушнинг қабр тошига ёзилган шеър жуда бошқача-да", деб қуйидаги мисраларни ёддан айтганди:

*Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,*
*Кўзум ёшлиғ, тилимда қолди фарёд,*
*Ҳаётим лолазоридин аюрдинг,*
*Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг.*

Хотирам мустаҳкамлиги учун мазкур мисраларни ўша заҳоти қайта такрорладим ва ёдлаб олдим, ҳозиргача унутмайман. Касбим тақозосига кўра, шу кунга қадар кўплаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари билан суҳбатлашганман ва уларнинг аксариятидан "Ўткан кунлар" романида шундай шеър бор ёки йўқлигини сўраб кўрганман. Афсуски, кейинги чорак аср давомида филолог сифатида диплом олганларнинг аксарияти бу шеърни билмайди, саволимга ижобий жавоб қайтаролмайди. Тоғам эса оддий дурадгор эди.




Бошқа бир кун тоғамни йўқласам, хонтахта устидаги китоб орасида "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетаси турибди. Газетани қўлимга олиб варақладим. Эҳҳе, А-2 бичимдаги газетанинг бир саҳифаси Абдулла Ориповнинг "Ҳаким ва ажал" достони билан тўлибди. Бир ўтиришда газета саҳифасидаги достонни ўқиб чиқдим. Энг қизиғи, ўша пайтда ҳеч ким бизга китоб ва газета ўқишни алоҳида тарғиб қилмасди. Лекин у пайтлар ҳамма китоб ўқишга шошарди. Ёдимда, "Йиллар армони"нинг илк нашри 35 минг нусхада босилганди ва уни мен сотувчига устига пул бериб, бир амаллаб қўлга киритганман. Кейин барчаси ўзгариб кетди…

Бундан йигирма йил муқаддам китобсевар ўқувчиларим билан Республика болалар кутубхонасида ташкил этилган танловда қатнашдик. Энг муҳими, ғолиблар сафидан ўрин олдик ва бир парча "Фахрий ёрлиқ" билан тақдирландик. Китобхонликка ва китобхон ўқувчилар тақдирига шундай муносабатда бўлинарди у чоғларда. Танловдан сўнг ўқувчиларим билан аввал Форобий қабристонига бориб, у ерда мангу қўним топган улуғ ижодкорлар қабрини зиёрат қилдик ва кейин Чорсуга ўтиб, "Пассаж"дан роса китоб харид қилиб, сотувчиларнинг кўнглини хушладик...

Яқинда ҳамкасбим Гулчеҳра Муродова билан Наманган вилояти ички ишлар бошқармасида уюштирилган китобхонлик танловида ҳакамлик вазифасини бажардик. Ички ишлар ходимлари — ёш офицерлар китобхонлик баҳсида бир-бирларидан ўзиб беллашди. Қойил! Қандай яхши — китобхонлик биз яшаб турган жамиятнинг ҳар бир бўғинида бўй ростламоқда. Танлов якунлангач, Гулчеҳра иштирокчиларга чех ёзувчиси Карел Чапекнинг "Шоир" ҳикояси ҳақида сўзлади ва ҳикоянинг изқуварлик бобидаги аҳамиятини изоҳлади. Ички ишлар ходимлари ўзларидаги ҳаяжон ва қизиқишни гулдурос қарсаклар билан ифодалади. Ҳар иккимиз таҳририят иши ва мактабдаги тарғиботчилик билан ҳаддан зиёд банд бўлсак-да, ички ишлар бошқармаси раҳбарлари таклифи билан "Янги Ўзбекистон Стратегияси" китоби тарғиботига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдамиз. Китобда шундай ҳаётий ва қизиқарли маълумотлар учрайдики, бу хусусда сўзлаганимиздан кейин ҳар қайси тингловчи китобни астойдил қидирмоқда. Янги жорий этилган тарғиботчи лавозимининг аҳамияти ҳам аслида шу.

Баҳорги таътил чоғи Гулчеҳра ўзи тарғиботчи бўлиб фаолият юритадиган мактабнинг бир гуруҳ ўқувчиларини "Янги Ўзбекистон — ёшлар зиё маскани"га олиб келди. Янгиқўрғон туманидан ташриф буюрган содда, самимий китобхон ёшлар ўта замонавий кутубхонадаги шарт-шароитлар билан танишиб, ҳайратларини яшира олмади. Барибир телевизорда кўрган бошқа, яшил зал бағрида ажабтовур полиграфик услубда чоп этилган китобларни мутолаа қилиш бошқа. Ўқувчилар бир овоздан "Бу ердан кетмаймиз, кетишни хоҳламаймиз!", дея тарғиботчи муаллималарини қийнаб ҳазиллашишди. Гулчеҳра эса уларга қарата: "Мазкур зиё маскани — Президент сиёсатининг тантанаси! Ишонинг, келажакда бу каби муҳташам зиё масканлари ҳар бир туман, ҳар бир қишлоқда қад ростлайди!", деди тўлқинланиб. Мана, Президентимизнинг ёшлар китобхонлиги ва бу масалани қўллаб-қувватлаш учун тарғиботчи лавозимини ташкил этиш борасида ташаббус кўрсатишидан асосий мақсад, муддао!

Албатта, айни йўналишда муаммолар мавжуд ва уларга ечим топиш учун ҳали қатор ишлар амалга оширилиши зарур. Энг асосийси, мактабларда талабчан ва изланувчан, ўз ишига муносиб тарғиботчилар сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўқувчиларда китоб ўқишга ҳавас ва иштиёқ уйғонмоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, дарёлар ўз ўзанига қайтяпти.

ҚАДРИЯТ




**Ўғил болаларни эр йигитнинг қаноти бўлган от билан дўстлашиб, мард ва жасур бўлиб камол топиши учун ёшлар ўртасида от спортини оммалаштириш зарур. Айниқса, қорабайир зотли отлар ёшларимиз учун ғурур тимсолига айланиши лозим.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



# ҚОРАБАЙИР ЗОТЛИ ОТЛАР

## ёшларимиз учун ғурур тимсолига айланади



**Дўсмамат ота ҳар тонгги одатини бугун ҳам канда қилгани йўқ. Унинг бу кундалик турмушига қишлоқ аҳли ўрганиб қолган. Умрининг асосий қисми от устида ўтган бобо ҳар тонг тулпорига миниб, қишлоқни бир марта айланиб чиқмаса, кўнгли хотиржам бўлмайди. Тунов куни шаҳарга ўғлиникига борганди. Бир-биридан чиройли иморатлар, шинам кўчаларни кўриб кўзи қувнади. Аммо савил қурғур кўнгил-да, тонгда туриб от кишнашини эшитгиси, далага чиқиб, бир от йўрттиргиси келди. Шаҳарда бунинг иложи йўқ. Ҳаловати йўқолди. Бир ҳафта тураман, деб кетганди, сафари икки кунга етмасдан уйига қайтди. Йўл-йўлакай отлиқларни учратганди. Улар қўшни қишлоқда кўпкари борлигидан дарак беришди. Ҳовлига кириши билан отхонада тулпори кишнагани эшитилди. Уйга кирмасдан отхонага йўл олди. Тўрқашқасини пешонасидан силаб, яғринига шапатилаб қўйди. От жонивор ҳам бошини баланд-баланд кўтариб, пишқириб мамнунлигини билдирган бўлди.**

Шошганча эгар-жабдуқни кўтариб, отни ҳозирлади. Ҳовлига олиб чиқди. Одатдагидек жонивор баланд тош супача олдига келганча эгасини кутиб турди. Эгарга жойлашиб, кенжасининг ҳай-ҳайлашига ҳам эътибор қилмай, отига қамчи босди.

Қадим ўтмишдан бир ажиб нақл бор: от туннинг ярим қисмида ўзига, қолган ярим қисмида эгасига яратгандан ризқ сўрармиш. Бу қанчалик ҳақиқатлигини билмадиму, лекин бу кўҳна дунёда ҳали жониворлар орасида арғумоқлардан бошқасига бунчалик таъриф берилмагани аниқ. Боисини от минган чопағондан сўрасангиз, янада ўхшатиши бор гап. Мозийдан ҳам маълумки, от йигитнинг йўлдоши, қолаверса, елкадоши. Бу ажиб дунё бошидан қанчадан-қанча воқеаларни ўтказмади дейсиз. Лекин шуниси аниқки, айнан отлар ҳақида бирор ножўя сўзлар айтилмаган. Не-не баҳодирларга йўлдош арғумоқларнинг достон бўлгани эса ҳали-ҳануз эл орасида тилдан-тилга кўчиб юриши сир эмас. Юртга ёв бостириб келганда уларга қарши чиқишда, уруш майдонларида эгасига содиқлик кўрсатишда ҳеч бир жонивор отга тенглаша олмаган. Чопағонлар отнинг бешта юраги бор, дейди. Биттаси кўксида уриб тургани бўлса, яна тўртта туёқлари ҳам ўта сезгирлиги билан юракдан қолишмайди. Боиси, от олисдан келаётган оёқ товушлари орқали ҳар қандай хавф-хатарни англай олиш, ҳатто ўз эгасининг одимларидан яқинлашаётганини сеза олиши ҳайратланарли. Тулпорларнинг бундай хислатлари кўп бўлса кўпки, оз эмас.

Деҳқонободнинг чапани, мард ва танти, ўз даврида кўпкариларда довруғ таратган Дўса чопағоннинг ёши етмишдан ошиб қолди. Воҳада яқин ўтмиш кўпкариларию, учқур отлар ҳақида гап кетганда суҳбат ўз-ўзидан Дўса чавандозга бориб тақалиши эса бежиз эмас. У 15 ёшидан элликка киргунича кўпкари чопди. Ҳали-ҳануз от ҳақида гап кетдими, ўзимизнинг қорабайир отлар ҳақида билганларини жўшиб айтиб беради.

Бугунги кунда эса юртимизда қорабайир наслини сақлаш ва кўпайтиришга бўлаётган ҳаракат Дўса чавандоз каби кўпчиликни кўнглини хотиржам қилиб, хушнуд этди.

Биз эса айнан миллий от насли ҳисобланмиш, тарихи икки минг йилга бориб тақаладиган қорабайир отлар ва бугун уларга Қашқадарё воҳасида қаратилаётган эътибор ҳақида сўз юритмоқчимиз.

### Ташаббус кенг қулоч ёйди

Қашқадарё одамлари азалдан отга меҳри ўзгача бўлган. Аввал ҳам, ҳозир ҳам тўйлари деярли улоқ-кўпкарисиз ўтмайди. Айни дамда ҳам тўрт киши бир бўлса, асосий суҳбати от ҳақида. Қайси чавандознинг қайси оти қанча соврин олганию, унинг неча ёшда эканигача билишади. Ўша давраларда чопағонлар ишончини қозониб келаётган от наслари эса бевосита қорабайирлардир.

Бугунги кунда айнан қорабайир отлари наслини сақлаб қолиш, уларни кўпайтириш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида қорабайир отчилик мажмуаси ташкил этилган.

Бу мажмуани бунёд этиш ғояси 2017 йил 24 февралда давлатимиз раҳбари томонидан Қашқадарёга ташрифи чоғида ўртага ташланган эди. Президентимиз бу борада фикрларини билдириб, миллий ифтихоримиз ҳисобланадиган қорабайир отлар ва ҳар бир ўзбек йигитлари қонига сингиб кетган чавандозлик хусусияти борасида алоҳида тўхталиб ўтганди.

Президентимизнинг 2017 йил 15 июндаги "Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Шундан сўнг замонавий мажмуа қурилишига старт берилди. Қисқа вақтда бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган ушбу маскан тез орада бўй кўрсатди. Бу жойда от спорти билан шуғулланиш ва отни парваришлаш учун барча шароитлар яратилди. Жумладан, мажмуа марказида 140х75 метрли очиқ манеж қурилди.

Унинг атрофини ўраб турган икки қаторли тўсиқлар, майдонга тўшалган кварц қумига қўшилган геотекстиль аралашмаларгача хориждан келтирилди. Шунингдек, наслли отларни тарбиялаш учун алоҳида бинолар бунёд этилди. Отларни механик тарзда қумда ва сувда юргизувчи ёпиқ манежлар, емхоналар, махсус техника учун ҳам бинолар барпо этилди. Шулар қатори ёпиқ манеж, томошабинлар учун 500 ўринли жой, 80 ўринли ресторан ҳамда меҳмонлар учун тўртта хона, чавондозларни ўқитишга мўлжалланган ўқув хонаси ҳамда қишки машғулотлар зали қурилди.



### Имкониятлар янада кенгайди

Бир муддат "Шўртангазкимё мажмуаси" масъулияти чекланган жамияти тасарруфида фаолият юритган "Қорабайир отчилик мажмуаси" унитар корхонаси Президентимизнинг 2019 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тасарруфига ўтказилди. Бу эса корхона фаолияти янада такомиллашувига асос бўлди.

Қорабайир отчилик мажмуасига раҳбар тайинланиб, малакали мутахассислар жалб этилди. Белгиланганидек, янги иш ўринлари очилиб, соҳа бўйича ишчилар қабул қилинди.

— Бугунги кунда мажмуамизда 280 бош от мавжуд, — дейди мажмуа директори Жаҳонгир Содиқов. — Қорабайир зотли отлар ўзига хос хислатлари билан ажралиб туради. Энг биринчи навбатда, чиройли, кўркам, бақувват, чидамлилиги билан эътиборингизни тортади. Очиғи, бу насл бир муддат йўқолиш даражасигача бориб қолган. Боиси, собиқ шўролар даврида гўшт режасини бажариш вазифаси қанчадан-қанча тулпорларимизга жабр бўлган. Қанчаси урушга, уруш ортидаги ишларга йўналтирилган. Бу эса отларимиз камайиб кетишига сабаб бўлган. Лекин халқимиз азалдан отни яхши кўриб, унга меҳр қўйган. Унинг учун боридан воз кечган. Керак бўлса, пана-пастқамларда, ғорлар ичида яширишга ҳаракат қилган. Жумладан, ўша вақтлари бобомнинг яхши отлари бўлган. Аммо хўжаликларга тушган режа бажарилиши учун бобомнинг отини ҳам гўштга сўраб келишган. Ўша вақтда бобом от ўрнига гўшт топшириб, шу тулпорни олиб қолишга интилган. Лекин тузумдан жуда қўрққан масъуллар отни гўштга топшириб юборишга мажбур бўлган. Бундай воқеалар кўп. Шунингдек, 1930-1940 йиллар оралиғида Тошкентда йилқичиликни ривожлантириш заводи бор эди. Бу эса ўша даврда Бухоро амирлигида фойдаланилган отларни алоҳида ажратиб олиб, наслни сақлашга ҳам сабабчи бўлган.

Қорабайир салт миниладиган ва аравага қўшиладиган от зоти бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда фойдаланилади. Қадимги Ўрта Осиё арғумоқларини мўғул, туркман ва араб от зотлари билан чатиштириб, такомиллаштириш асосида юртимизда етиштирилган. Қорабайир от зоти атамаси XIX-асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. "Қўлбола", "хонаки" каби маъноларни беради. Баъзи манбаларда бу от зотининг номи қадимда қорабайир қабиласи номидан олингани айтилади.

Бу отнинг тана тузилиши йирик, кўкракдор, қовурғалари тикроқ, ишчанлик хусусиятлари юқори, кучли ва чидамли, чопқир, маҳаллий иқлимга, тоғ шароитларида боқишга, яхши мослашган. Оғирлиги ўртача 400-420 кг. келади.

Уларнинг туси кўпроқ тўриқ, жийрон, кулранг ёки тўқ сариқ-малла бўлса, қора ва саман ранглилари кам учрайди. Бу от зотлари уч турга — аравага қўшиладиган, салт миниладиган ва юк ташийдиганларга бўлинади.

### Натижалар амалда кўрина бошлади

Ўтган тўрт йил давомида айнан тоза қорабайир наслли отлардан 100 дан ортиғи аукционда сотилди. Шунингдек, от спорти бўйича ҳам кўрсаткичлар қайд этила бошланди. Яъни мажмуа спортчиси Аброр Эсонов яқинда Тошкент шаҳрида от спорти бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида конкур йўналишида "Кросс" лақабли оти билан фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

— От спорти билан қирқ йилдан буён шуғулланаман, — дейди мажмуа от спорти мураббийи Холиддин Содиқов. — Албатта, мураббийликнинг ҳам ўзига хос машаққатлари бор. Айниқса, от спорти турида. Бунда икки йўналишда ишлаш керак бўлади. Яъни ҳам чавандоз, ҳам от билан ишланади. Бунинг учун етарли малака бўлмаса, иш олиб бориш мушкул. Шу боис, энг аввало, бу соҳада мураббий бўладиган киши отларни ҳам яхши тушуниши лозим. Қайси от қандай хусусиятга эга, қайси сакрашга, қайси югуришга мойил, булар асосий ҳисобланади. Шундан сўнг танлов асосларига қараб, машғулотлар давом эттирилса, натижага эриша олиш мумкин. Кўпчилик қорабайир зотли отлар мусобақаларда иштирок этишга ярамайди, деган фикрда эди. Лекин отларимиз нималарга қодирлигини амалда кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир мамлакат миқёсида ўтказиб келинаётган кўпгина мусобақаларда мажмуамиз жамоаси асосий ўринларга даъвогарлик қилмоқда. Кўпкари ўйинларида эса от билан чавандоз бир-бирини яхши тушуниши лозим. Катта майдонда, тўданинг ўртасига кириб улоқни олиб чиқиш учун от устидаги йигитнинг маҳорати ҳам етарли бўлиш лозим. Улоқда, биринчи навбатда, ҳалоллик талаб этилади. Шундай пайтда агар отни яхши парваришлаб, унга эътиборли бўлсангиз, сизни ўзи улоқ яқинига ҳеч бир қийинчиликсиз олиб боради. Улоқни ердан олиб, кўтаришингиз билан у ўзи сезган ҳолда тўдани ёриб ўтишга интилади. Бизнинг қорабайир отларимиз мана шундай хусусиятлари билан ажралиб туради.

### Арғумоқлар билан "тиллаша" олиш керак

Бу ерда отларга лақаблар қўйилган. Отбоқарлар эса ўзлари ўргатаётган тулпорлар билан машғул.

Уста чавандоз Ўрин Ботиров бир неча йилдан бери шу ерда ишлаб келади. У ҳозир "Король" лақабли отни парваришламоқда. У ҳар куни "Корол"ни отхонадан етаклаб чиқаркан, аввал яхшилаб устини тозалайди, ёлини тараб, бироз эркин қўйиб беради. Сўнг майдонда айлантириб, чигилёзди машғулотларга жалб этади. Эндигина сакраш машқларининг ҳадисини олишга интилаётган бу от аста-секин жараёнга кўникиб бормоқда.

— Бу ерда "Король" каби отлар жуда кўп, биз уларни машғулотлар жараёнида спорт мусобақаларига тайёрлаб борамиз, — дейди Ўрин Ботиров. — Жониворлар ҳар бир машқни тез ўзлаштириши учун чавандоздан маҳорат талаб этилади. Шунингдек, ўта нозик ҳаракат зарур. Қўполлик қилиб бўлмайди. Мабодо бирор марта қамчи кўтарадиган бўлсангиз, эртага ундан яхши натижа кутишнинг фойдаси йўқ. Бизда отларга умуман қамчи ишлатилмайди. Барчаси ҳаракатларга боғлиқ. Энг асосийси — отлар билан "тиллаша" олишингиз. Шундагина бемалол спорт машғулотларида қатнашиб, ундан яхши натижаларни кутишингиз мумкин. Мана, ҳозир "Король" бемалол конкур баҳсларда иштирок эта олади. Биз ҳар бир от билан алоҳида шуғулланамиз. Бу ерда фақат ўзимизнинг қорабайир отларимиз бўлгани боис, наслини тоза сақлаш, кўпайтириш жараёнида спортда қандай натижа кўрсата олиши ҳам кузатиб борилади. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан ташкил этилган марафонда ўн бош қорабайирда чавандозлар Қашқадарёдан Тошкентга қараб йўлга чиқишганди. Улар умумий ҳисобда 436 километр йўлни ҳеч қийинчиликсиз босиб ўтишди. Марафоннинг финиш манзили пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбони белгиланган эди. Марафон орқали қорабайир зотли тулпорларимиз қанчалик чидамли ва ҳар қандай иқлим шароитига мослашувчан эканини яна бир бор исботлади. Навбатдаги вазифамиз бу отлар спорт мусобақаларида ҳам беназир эканини амалда исботлашдир.

— Воҳамизда қорабайир от наслини сақлаш, парваришига эътибор ўз самарасини бермоқда, — дейди Қашқадарё вилояти йилқичилик, улоқ-кўпкари ва от спорти федерацияси ижрочи директори Илҳом Чоршанбиев. — Ҳозир вилоятимизда йилқичилик йўналишида 30 га яқин фермер хўжалиги мавжуд. Буларнинг барчасида қорабайир отлар боқилади. Миллий гвардиянинг Қашқадарё вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда ҳар ойда битта туманда от спорти мусобақалари ташкил этилмоқда.

Айтишларича, отнинг икки қулоғи ўртасидан беҳишт шамоли эсиб турармиш. Мозий ривоятларию афсоналарида ҳам от билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар кўп учрайди. Лекин бугун юртимизда от парваришига эътибор ҳар қачонгидан ҳам аъло даражага кўтарилган. Бу бежиз эмаслигини яхши англашимиз учун эса от миниб, унинг завқини ҳис қилмоқ зарур.

Айрим хорижий давлатларда от билан даволаш терапиялари мавжуд. Муайян касалликларга чалинганлар отларга миндирилиб, айлантириб юрилади. Бу, асосан, асаб касалликларидан шикояти бор беморлар учун фойдали. Яна бир гап. От минган одамнинг ҳар бир бўғими ҳаракатда бўлади. Бу эса бевосита инсон саломатлигини тиклашда қўл келиши ҳақида ҳам манбаларда айтилади. Энг қизиғи, агар инсон бирор нарсадан ўта жаҳли чиқиб, асаблари таранглашганда от минса, ҳар қандай салбий жиҳатларини от ўзига тортиб олиб, киши чеҳраси очилишига сабабчи бўларкан.



Қашқадарё воҳасида миллий қадриятларимиз бўлмиш улоқ-кўпкари ўйинлари азалдан яхши ривожланган бўлса, бугун от спорти турлари ҳам оммалашмоқда. Бунинг учун яратилган шарт-шароитлар ва қилинаётган ҳаракатлар арзирли даражада. Миллий ғуруримиз ҳисобланиб келинган қорабайир отлар эса янада кўпайиб, яқин келажакда дунё от спортида юқори натижалар кўрсатишига шубҳа йўқ.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1490.
86602 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:45 Топширилди — 01:35

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz